

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТАЖОХМЕДОВ АВАЗМИРЗА АЛИМИРЗАЕВИЧ
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ВА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ

5А 140901 - Касб таълими (Молия)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.н.,доц. И.Сирожиддинов

НАМАНГАН - 2010

Мундарижа

Кириш.....	3
 1-боб. Фермер хўжаликлари молиясининг мазмуни ва хусусиятлари	
1.1. Фермер хўжаликлари молиясининг мазмуни.....	8
1.2. Фермер хўжаликлари молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари.....	20
1.3. Фермер хўжаликлари молиясвий ривожланиши тенденциялари.....	29
 2-боб. Фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўналишлари	
2.1. Фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини белгиловчи омиллар.....	35
2.2. Фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги асосий муаммолар.....	41
2.3. Фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўналишлари.....	51
 3-боб. Фермер хўжаликларида молиявий бошқаришни такомиллаштириш	
3.1. Фермер хўжаликларида молиявий режалаштиришни ташкил этиш.....	63
3.2. Фермер хўжаликларида пул оқимларини бошқариш.....	74
3.3. Фермер хўжаликларида молиявий интизом ва молиявий назоратни мустаҳкамлаш.....	87
Хулоса.....	97
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида ўзини тўла намоён этмоқда. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз И.А. Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" деб номланган асарида қайд этилганидек, "ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм, жумладан, пахта тайёрлашга - 800 миллиард сўм, ғалла етиштиришга 200 миллиард сўм маблағ аванс тариқасида берилди. 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилади»¹. Фермер хўжаликларига давлатнинг ғамхўрлиги кўп томонлама чораларда яққол намоён бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун 2008 йили 43 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, 2009 йилда 58 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида йирик кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури доирасида ернинг

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилди.

Жумладан, дастур доирасида 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, 250 та дренаж қудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди, 50 километр узунликдаги янги каналлар ва бошқа объектлар қурилиши якунига етказилди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Уларни ҳал этишда фермер хўжаликлари молиясини ташкил эти ва уни такомиллаштириш ҳам алоҳида ўрин тутди ва бу мавзунинг долзарблигини белгилаб бермоқда.

Мавзунинг ўрганилганлиги даражаси. Фермер хўжаликлари молиясини ташкил этиш корхона молиясининг умумий қоидаларига асосланади. кўпгина таниқли иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб келинган (А. Смит, Д. Рикардо). Бу муаммо шунингдек, ҳозирги замон иқтисодчи олимларидан А. Леффер, В. В. Глухов, А. А. Александров, Э. А. Вознесенский, И. В. Горский, Н. Я. Головецкий, И. И. Дольдэ, А. З. Дадашев, Л. Б. Дуканич, Е. Н. Евстигнеев, Н. Г. Иванова, И. А. Кацюба, В. И. Колесников, Н. В. Мильяков, В. Г. Пансков, А. Г. Поршнева, Б. А. Рамзин, А. А. Родионов, В. Н. Семенов, В. Ф. Столяров, И. И. Столяров, А. А. Тедеев, А. В. Боброва, Д. Н. Тихонов, М. Кэмпбелл,

А. В. Лобанов, Д. Г. Черник кабиларнинг илмий изланишларида ҳам ўз аксини топган.

Худди шу масалаларни ҳал этишнинг айрим йўналишлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ва амалиётчи мутахассислар О. Қ. Абдурахмонов, М. А. Алимарданов, Э. Ф. Гадоев, В. Ю. Галкин, Б. И. Исроилов, А. С. Жўраев, Ж. Р. Зайналов, Г. К. Саидова, Р. К. Каримов, Т. С. Маликов, М. С. Мирзаахмедов, М. М. Маҳмудов, О. О. Олимжонов, Б. Н. Хасанов, Н. Х. Ҳайдаров, М. Ш. Шарифхўжаев, М. И. Юлдашев, Қ. А. Яхъёев, О. Я. Якуббаев, Д. Ғ. Ғозибеков, И. Сирожиддинов, А. Юлдашев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган.

Айни пайтда фермер хўжаликлари молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммосини яхлит илмий масала сифатида, унинг турли кўринишларини бир-бирига боғланган ҳолда тадқиқ этилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган мустақил илмий изланишлар мавжуд эмас.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади жаҳон молиявий инқирози шароитларида фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва молиявий бошқариш масаларини илмий-тадқиқ этишдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертация иши олдида қуйидаги вазифалар қўйилган:

- фермер хўжаликлари молиясининг мазмунини ёритиб бериш;
- фермер хўжаликларининг молия барқарорлиги асосларини ўрганиб чиқиш;
- жаҳон молиявий инқирози шароитида фермер хўжаликлари молиявий қўллаб-қувватлаш зарурлиги йўналишларини асослаб бериш;
- Наманган вилоятида фермер хўжаликлари ривожланиши жараёнини илмий тадқиқ этиш.

Илмий тадқиқот объекти сифатида Наманган вилояти фермер хўжаликлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг методологияси ва усуллари. Диссертация ишининг умумназарий асоси сифатида классик иқтисодий назария, шунингдек

Президент И. А. Каримов асарларида баён қилинган, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг зарурлиги, моҳияти ва йўналишлари асоси бўлиб хизмат қилаётган илмий ғоялар олинган. Мавзунини илмий тадқиқ этишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив ҳужжатлари амалий асос қилиб олинди.

Тадқиқотда маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва таққослаш, мантикий тақлил, монографик тадқиқ этиш, статистик ва молиявий ҳисоботларни таҳлил этиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациядаги тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- фермер хўжаликлари молиясининг мазмунини ёритиб берилди.
- фермер хўжаликларининг молия барқарорлиги асосларини ўрганиб чиқилди;
- жаҳон молиявий инқирози шароитида фермер хўжаликлари молиявий қўллаб-қувватлаш зарурлиги йўналишларини асослаб берилди;
- Наманган вилоятида фермер хўжаликлари ривожланиши жараёнини илмий тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертацияси доирасида амалга оширилган илмий тадқиқотнинг қуйидаги жиҳатлари амалий аҳамиятга эга:

- жаҳон молиявий инқирози шароитида фермер хўжаликлари ривожини молиявий қўллаб-қувватлаш зарурлиги ва йўналишлари асосланганлиги;
- фермер хўжаликлари молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари ёритилганлиги;
- фермер хўжаликларини молиявий барқарорлигини таъминлашдаги муаммолар ечимларини асослаб берилганлиги.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган.

Диссертация кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлиги даражаси, тадқиқотнинг мақсадлари ва вазифалари, тадқиқот объекти,

тадқиқотнинг методологияси ва усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи бобида фермер хўжаликлари молиясининг мазмуни ва хусусиятлари илмий тадқиқ этилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўналишлари илмий тадқиқ этилган.

Учинчи бобда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларида молиявий бошқаришни такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Ишнинг хулоса қисмида диссертациядаги илмий тадқиқотнинг муҳим натижалари баён этилган.

1-боб. Фермер хўжаликлари молиясининг мазмуни ва хусусиятлари

1.1. Фермер хўжаликлари молиясининг мазмуни

Мамлакатни модернизациялаш шароитларида агробизнеснинг бирламчи бўғини фермер хўжалигидир, чунки у йирик товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади ва кўплаб турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти яратади. Бу хўжалик ўз ерида ёки ижарага олиган ўзгалар ерида юритилади, аммо ерга фермер мулк эгаллиги кенг ривожланган бўлади. Бу хўжаликда мулк соҳиби ва ишлаб чиқарувчи айнан бир шахс ҳисобланади, мулк меҳнатдан ажралмай, у билан бевосита боғланади. Кўп ҳолларда фермер хўжалиги фермернинг ўзи ва оила аъзолари меҳнатини ёлланма меҳнат билан биргаликда қўлланишига асосланади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фермер хўжаликлари кенг тараққий этган. Улар юксак даражада ихтисослашган ва замонавий фан-техника ютуқларига таянган хўжалик ҳисобланади, улар юксак меҳнат унуми ва сифатли маҳсулотни таъминлашга қодир бўлади. Фермер хўжалигининг яшовчанлиги унинг афзаллигидадир. Бу хўжаликнинг самарадорлиги ва афзалликлари қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Фермер хўжалигида меҳнат ва мулк бевосита қўшилади, фермер ўз мулкида ўз меҳнати билан ишлайди. Ёлланма меҳнат қўшимча аҳамиятга эга. Фермер ўзи учун ишлайди.

2. Фермер хўжалиги мутлақо мустақил, бирон бир тарзда монополлашмаган хўжалик, унинг фаолиятини бозор қонунлари бошқаради.

3. Фермер хўжалигида тадбиркорлик ва меҳнат функцияси узвий қўшилади. Бу ерда ишбилармонлик ва меҳнатсеварлик билан биргаликда амал қилганидан иқтисодий манфаат ва масъулият ягона фаолиятнинг икки томонини ташкил этади.

4. Фермер хўжалиги тадбиркор-деҳқоннинг хўжалиги бўлганидан, у ерда баъзи ҳолларда кам фойдага ҳам қаноат қилиниши мумкин.

5. Фермер хўжалиг давлатнинг ёрдамига таянади, кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда фермерларни қўллаб-қувватлаш давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир.

5. Фермер учун унинг хўжалиги фақатгина даромад манбаи эмас, балки унинг уйи, оиласи истиқомат қиладиган жой, унинг ишонган таянчи. У ўз хўжалигини ўта қадрлайди, шу сабабли унинг ривожи учун ўз меҳнатини аямайди.

Айтилган афзалликлар фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини ҳал қилувчи даражада белгилаб беради.

Фермер хўжаликларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мамлакатимизни модернизациялаш шароитларида иқтисодиётни барқарор ўсишини ва аҳоли моддий фаровонлиги юксалишини таъминлашнинг муҳим омилидир.

Ўзбекистонда 1991 йили 1968 та фермер хўжалиги бор эди, 1992 йилга келиб уларнинг сони 5942 тага етди. 2000 йилда мамлакатимизда 43769 та фермер хўжаликлари фаолият юритиб, улар мамлакат ЯИМ яратилишида сезиларли ҳисса қўшиб келди. 2005-2006 йилларда эса фермер хўжаликлари товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг асосий ишлаб чиқарувчиларга айландилар.

Ўзбекистонда фермерлаштиришнинг хусусияти шундаки, фермер хўжалиги хусусий ерда эмас, балки давлат мулки бўлган ерда вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунида «Фермер хўжалиги мустақил хўжалик субъекти, тадбиркорлик шаклларидан биридир» деб қайд этилади. Унга биноан деҳқон хўжалиги бошқа мулк шаклига тегишли корхоналар билан тенг ҳуқуқли ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, уни юритиш учун ижарага ер ажратиб бериш, уни қўллаб-қувватлаб туриш зарурлиги қайд этилган. Қонунга кўра фермер хўжалиги мулкида турар-жой, хўжалик бинолари, асбоб-анжомлар, техника

ва транспорт воситалари, жамланган пул маблағлари туради. У қишлоқни фермерлаштиришга кенг йўл очади.

Мамлакатимизда мунтазам равишда амалга ошириб келинаётган ислохотлар жараёнида агробизнес тузилмаларининг, шу жумладан фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши учун барча ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлари яратиб келинмоқда. Улар орқали фермер хўжаликларини ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш, фермерларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, турли назорат этувчи органлар ва тузилмалар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишларга йўл қўймаслик, уларга турли хил хизматлар кўрсатиш ҳамда моддий-техник таъминот тизимини такомиллаштириш каби вазифалар ҳал этилмоқда.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб қувватлаш соҳасидаги сиёсати маъмурий, ҳуқуқий, иқтисодий ва институционал характердаги чора-тадбирлар мажмуасини ифода этиб, уларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда кафолатлаш чора-тадбирлари.

2. Давлатнинг фермер хўжаликларини ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтиришга қаратилган иқтисодий рағбатлантириш чоралари.

3. Давлатнинг фермер хўжаликларини ривожланишига кўмаклашувчи институционал ва бозор инфратузилмасини барпо этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш тадбирлари.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фермер хўжаликларининг бошқа хўжалик юритиш шаклари билан тенг шароитларда ва соғлом рақобат асосида фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролик кодекси», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар. Республика Президентининг бир қатор фармонлари ва Вазирлар

Маҳкамасининг қарорларида фермер хўжаликларига берилган кафолатлар, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш чоралари белгилаб берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Қонуннинг 29-моддасида : «Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди», -деб эътироф этилган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, республикамизда фермер хўжаликларини ҳуқуқларни ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралаштиришларга барҳам бериш юзасидан амалга оширилаётган ишларга мисол бўла олади. Фармонда фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда кўпи билан 1 марта ўтказилиши белгиланган.

Бундан ташқари, фармонда, ўтказилаётган текширишлар тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги, текшириш предметида оид бўлмаган маълумотлар ва ҳужжатлар сўрашнинг таъқиқланиши, назорат қилувчи органлар ваколати доирасига кирмайдиган талабларни бажармаслик ҳуқуқи ва бошқа бир қатор кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Рсепубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги» Қарори билан тадбиркорлик субъектларини, жумладан фермер хўжаликларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг енгиллаштирилган тартиби жорий этилди. Унга кўра тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш «бир йўла» тамойили асосида, уларни автоматик тарзда ҳисобга қўйиш билан амалга оширилади. Қарорга мувофиқ туман ҳокимиятлари таркибида давлат рўйхатига олиш бўйича

махсус хизмат ташкил этилган бўлиб, унинг ходимлари тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатларни тайёрлаш, уларни йўл фонди, меҳнат, бандлик ва ижтимоий таъминот бўлими, солиқ ҳамда статистика органларида ҳисобга қўйиш ишларини ўзлари амалга оширадilar.

Фермер хўжалигини ер ижараси билан боғлиқ барча ҳужжатлар тайёр бўлган тақдирда давлат рўйхатига олишнинг умумий муддати (ишки ишлар бўлимидан муҳр ҳамда бурчак штампни тайёрлашга рухсат олишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 12 кундан ошмаслиги лозим.

Кузатишларнинг кўрсатишича, фермер хўжаликларининг давлат рўйхатига олишнинг бу енгиллаштирилган тартибини жорий этиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки қарор қабул қилингунга қадар фермер хўжалиги ташкил этиш истагида бўлган фуқароларни рўйхатга олиш ишлари асоссиз равишда, турли маъмуриятчилик ва сансалорлик туфайли чўзиб юборилар эди.

Республикамизда фермер хўжаликларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларни иқтисодий дастаклар орқали ҳар томонлама рағбатлантириш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Давлатнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари қуйидаги механизмлардан ташкил топади:

- молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Фермер хўжаликларига солиқ тўлашда сезиларли енгилликлар жорий этилган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар дастлаб ташкил этилганидан бошлаб 2 йил мобайнида ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган.

Кейинги йилларда эса улар бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тенг шароитларда ер майдонининг жойлашган ўрни ва тупроқнинг унумдорлик даражасидан келиб чиқиб белгиланадиган балл бонитетлар асосида ягона ер солиғи тўлайдилар.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонун ва қонун ости ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда агробизнес тузилмаларининг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тадбиркорларнинг мустақиллиги. Бу жорий фаолиятни ташкил этиш, амалга ошириш ва тугатиш тўғрисида қарор фақатгина шу фаолиятни амалга оширишдаги иштирокчилар томонидан қабул қилинишини, фақат айрим ҳоллардагина қонунда белгиланган тартибда давлат органлари томонидан қабул қилинишини билдиради. Мулк эгаси томонидан хўжалик юритишнинг қайси тури танланганлигининг аҳамияти йўқ. Қарорлар қабул қилишдаги мустақиллик хусусий тадбиркор учун ҳам, жамоавий мулк эгалари ҳисобланувчи акционерлик жамиятлари учун ҳам ёки мулкчиликнинг бошқа кўринишлари учун бир хил даражадалиги билан характерланади;

- тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик таваккалчилиги асосида амалга оширилади. Бу, хўжалик фаолиятидан зарар кўриш ёки активларни йўқотиш хавфи, шунингдек мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, тадбиркор томонидан фаолиятни амалга ошириш учун йўналтирилган мулк эвазига, баъзи ҳолларда унинг шахсий мулки ҳисобидан таъминланади. Қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи тадбиркорлар учун умумий қоидалардан четланишга асос бўлувчи баъзи бир хусусиятлар мавжуд. Аграр тармоқдаги тадбиркорлик таваккалчилиги субъектив омилларга (қарорларнинг нотўғри қабул қилиниши, хўжалик юритишдаги самарасизлик ва ҳ.к.) ниҳоят даражада кам боғлиқ бўлиб, объектив омилларга (табiiй-иқлим шароити, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳосидаги диспаритет, давлат томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш юзасидаги олиб борилаётган фаолиятдаги камчиликлар ва ҳ.к.) юқори даражада боғлиқдир. Бу эса давлат томонидан бошқа тармоқдагиларга нисбатан қишлоқ хўжалигидаги мавжуд тадбиркорлик таваккалчилиги хатарларининг бир қисмини ўз зиммасига олишга бўлган заруратни келтириб чиқаради.

Сўнги йилларда давлатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта маҳсулотини етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши ортиб борапти (1998 йилда 11 фоиздан 2004 йилда 52 фоизгача ортган, 2006 йилдан бошлаб эса – деярли 100 фоиз). Экспертларнинг хулосасига кўра фермер хўжаликларида ширкат хўжаликларига қараганда пахта ва буғдой етиштириш унумдорлиги юқори бўлган. 2004 йилда ширкат хўжаликларида бир тонна пахтанинг ўртача таннарни 400 минг сўм бўлса, фермер хўжаликларида 230 минг сўмни ташкил этган.

Қишлоқда бозор муносабатларининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маҳсулотларни сотишда аста-секин тайёрловчи ташкилотлардан маҳсулотни реализация қилишнинг муқобил каналларига (бозорларга, шахсий савдо тармоқлари орқали умумий овқатланиш корхоналарига бартер асосида) ўтиб бориши билан тавсифланади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларни давлат буюртмаларига сотишдан манфаатдор эмаслигининг асосий сабабларидан бири, сотиб олиш нархининг пастлиги ва сотилган маҳсулот учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслигидадир.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалга оширилган аграр ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги тузилмасида қуйидаги ўзгаришлар рўй берди:

- қишлоқ хўжалигида кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб, ишлаб чиқарувчиларнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари вужудга келди;
- қишлоқ хўжалигида маҳсулотларни ишлаб чиқаришда чорвачилик маҳсулотларининг улуши ортди;
- йилдан-йилга экин майдонларининг умумий ҳажми қисқариб бормоқда, экин майдонлари тузилмасида ем-хашак экинлари майдонларининг қисқариши эвазига донли экинлар майдонининг улуши ортиб бормоқда;
- моллар бош сони ортиб бориши, шу билан бирга, гўшт, сут маҳсулотларининг ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари нинг чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашиш тенденцияси рўй бермоқда;

- фермер хўжаликларининг узлуксиз йириклашиб бориши тенденцияси кузуатилмоқда ва ҳ.к.

Юқоридаги фикрларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, аграр соҳа республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан биридир. Бинобарин, Президентимиз ҳам бежиз: «Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни, барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қанчалик қамраб олинишига, қишлоқда ислохотларнинг қанчалик чуқур боришига боғлиқ ...» дир, дея таъкидламаган. Айнан мана шу тармоқда амалга оширилган ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ер ислохотлари ва хўжаликларни қайта ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг кўпайишига, балки бу соҳа фаолияти самарадорлигининг ортишига ва ўз навбатида, бу аҳоли фаровонлигини юксалтиришга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Фермер хўжаликлари иқтисодиётда фаолият юритаётган бошқа хўжалик юритиш шаклларига ўхшамаган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўзига хос хўжаликлар бўлиб, улар маҳсулот етиштириш, уни сотиш, моддий ва меҳнат ресурсларидан ҳамда олинган даромаддан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга хўжалик юритиш субъектларидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида”ги 2004 йил 4 ноябрдаги Ф-2069-сонли Фармойишини бажариш юзасидан ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 24.12.2004 йилдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжаликларини 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларига айлантириш дастури тасдиқланди.

Мазкур дастурга биноан 2005-2007 йиллар мобайнида зарар кўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз 1110 та ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантирилиши режалаштирилди. Жумладан, 2005 йилда 406 та, 2006 йилда 370 та, 2007 йилда 334 та истикболсиз ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг замирида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этилди.


Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фермер хўжаликлари танлов асосида фақат қайта ташкил этилаётган зарар кўриб ишлаган ва истикболсиз хўжаликлар ерлари ҳисобигагина эмас, балки заҳирадаги ерлар, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари ҳисобига ҳам ташкил этилди.

Кейинги йилларда Олий Мажлис қабул қилган қатор қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукуматнинг қарорлари ижро этилиши натижасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб бормоқдалар. Жаҳон молиявий инқирози шароитида ва унинг таъсирини бартараф этиш жараёнида фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Келтирилган маълумотлар асосида кейинги йилларда деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг юқори суръатларда ривожланаётганини кузатиш мумкин. Бунга асосий сабаб мамлакатда ҳукуматнинг махсус қарорларига асосан зарар билан ишлаётганлиги паст рентабелли ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантирилаётганлиги ва уларда ғаллачилик ҳамда пахтачилик ихтисослигини сақланиб қолаётганлиги, боғ ва токзорларнинг

хусусийлаштирилиши натижасида фермер хўжаликларининг ташкил топиши ҳисобланади.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, таҳлил қилинаётган давр мобайнида қишлоқ хўжалигининг асосий экинлари ҳисобланган пахта ва ғалла етиштириш бўйича ҳам фермер хўжаликлари маълум ютуқларни кўлга киритмоқдалар. Жумладан, фермер хўжаликларининг республика бўйича пахта етиштиришдаги



1-чизма. Фермер хўжаликларининг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларидаги улуши (%да)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қайта тақсимлаш асосида амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад ерга бўлган муносабатни ўзгартириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини кучайтиришдан иборат. Бундай чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида фермер хўжаликларига ажратиб берилаётган ер майдонлари ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Агар фермер хўжаликларининг республика экин майдонидаги улушини кўрадиган бўлсак, у ҳолда бу соҳада ҳам ўсиш тенденцияси юз бераётганлигининг гувоҳи бўламиз (2-чизма).



2-чизма. Фермер хўжаликларининг экин майдонларидаги улуши (%да)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

Юқоридаги чизмада келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги беш йил давомида фермер хўжаликларига ажратилган ерларнинг жами экин майдонидаги салмоғи 2000 йилда 16,7%дан 2008 йилда 88,4%гача ўсди. Бундай ўсиш, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрь ва 2002 йил 5 январдаги «Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ фермер хўжаликларининг кўплаб ташкил этилаётганлиги билан боғлиқ. Ўз навбатида, фермер хўжаликлари сони ва уларга ажратилаётган ер майдонлари ҳажмининг ўсиши фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги улушининг ўсишига олиб келди.



3-чизма. Фермер хўжаликларининг сони (минг та)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси
маълумотлари

Ислохотларни амалга ошириш мобайнида фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар салмоғи ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. 2000 йилда республикаимиз бўйича фермер хўжаликларида 294,9 минг киши иш билан банд бўлган бўлса, 2008 йилга келиб, мазкур хўжаликларда банд бўлганлар сони 1501,1 минг кишини ташкил этди. Бир сўз билан айтганда фермер хўжаликларида иш билан банд бўлганлар сони йилдан йилга ортиб бориб, ишчилар сони 2000 йилга нисбатан 5,1 баробар кўпайди (4-чизма).

Юқорида келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг энг самарали шакли сифатида ўзини тўла оқлади. Мамлакатимизда фермер хўжаликларини ташкил қилиш, улар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ўзининг ижобий натижаларини берди. Бундан ташқари, республикаимиз ҳукуматининг бир қатор қарорларида истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлиб қолувчи фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш назарда тутилган.



4-чизма. Фермер хўжаликларида ишловчилар сони (минг киши)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси
маълумотлари

1.2. Фермер хўжаликлари молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари

Мамлакатимизда фаолият юритаётган иқтисодий субъектлар молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлилини олиб боришга учун зарурий кўрсаткичларни белгилаб олишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, М.Пардаев томонидан корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини тўлиқ ўрганиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланади²:

- корхоналарнинг ташкилий техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- молиявий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхоналарнинг молиявий салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг тўловга қодирлик даражаси билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг молиявий мустаҳкамлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- корхонанинг иқтисодий ночорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- корхонанинг фаоллиги билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Юқорида келтирилган айрим кўрсаткичларнинг мазмуни ва моҳиятининг бир-бирига яқинлигини кўришимиз мумкин. Масалан, корхоналарнинг ташкилий техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар бир вақтнинг ўзида корхонанинг иқтисодий салоҳиятини белгиловчи кўрсаткичлар бўлиб ҳам ҳисобланади.

А.В.Ваҳобов, А.Т.Иброхимов, Н.Ф.Ишонқулов корхона молиявий ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишда корхонанинг молиявий барқарорлигини ўрганиб чиқиш алоҳида муҳим эканлигини таъкидлайдилар³. Уларнинг фикрича, молиявий барқарорлик қуйидаги кўрсаткичларда ўз ифодасини топади:

² Пардаев М. +. Иқтисодий таҳлил назарияси. Самарқанд. Зарафшон, 2001. 151-152 бетлар

³ А.В.Ваҳобов, А.Т.Иброхимов, Н.Ф.Ишонқулов. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Тошкент. Шарп, 2005. 219-220 бетлар.

1. Жами маблағлардаги корхонанинг ўзига тегишли улушини ҳисоблаш. Ушбу кўрсаткич республикамиз тижорат банклари томонидан ҳам кредитлаш амалиётида қўлланиб мухторият коэффиценти деб ҳам номланади.

2. Молиявий барқарорликка бевосита таъсир ўтказувчи муҳим омил бу қарзга олинган маблағларнинг корхона фаолиятида қай даражада ўрин тутиши билан боғлиқ. Буни аниқлаш учун ўзига қарашли маблағлар билан, қарзга олинган маблағлар нисбати топилади.

3. Узоқ муддатли қарзлардан фойдаланиш коэффиценти, яъни узоқ муддатли қарз маблағларини корхонанинг ўзига қарашли ва қарз маблағлар суммасининг йиғиндисига бўлинади

4. Корхонанинг ўзига қарашли маблағлар чакқон ҳаракатлик коэффиценти.

5. Эскиришнинг жамланиш коэффиценти.

6. Корхона мулки таркибидаги асосий воситаларнинг аниқ қиймати коэффиценти.

7. Корхонадаги жами мулкнинг ҳаракатчанлиги (чаққонлик) коэффиценти.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий иқтисодий диагностикасини олиб боришда кўп қўлланадиган усуллардан бири – таққослаш усули бўлиб, унда бир нечта иқтисодий кўрсаткичлар ўзаро солиштирилади. Жумладан, ҳақиқатда эришилган натижалар жорий режа ёки келажакдаги режа топшириқлари ва мажбуриятлар, йиллик ёки даврий ҳисобот кўрсаткичлари ўтган йилги ёки даврий маълумотлар, ўрганилаётган хўжалик кўрсаткичлари шунга ўхшаш бошқа хўжалик кўрсаткичлари, шунингдек, туман, вилоят, республика ўртача кўрсаткичлари, хўжаликнинг ҳақиқий кўрсаткичлари шу хўжалик ичидаги бўлинмаларнинг ўхшаш кўрсаткичлари солиштирилади. Таққослаш усулининг мазкур шакллари корхоналарда товар айланиши режасининг бажарилишини таъминлаш, муомала харажатларини камайтириш ҳисобига рентабеллик даражасини

ошириш имкониятларини топишга, диагностика қилинаётган хўжаликда илғор тажрибалар жорий қилинишига ёрдам беради.

Таққослашда вазиятга қараб, натура ёки қиймат кўрсаткичларидан, мутлақ ёки нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Лекин таққосланадиган кўрсаткичлар солиштирилиши, яъни яхлит ва миқдорий омиллар бирлиги ҳамда вақт даври мутаносиблиги таъмин этилиши шарт.

Иқтисодий маконда фаолият юритаётган ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект белгиланган мақсадга эришиши учун пировард натижада акс этувчи барча омиллар таъсирини ҳисобга олиш зарур бўлади. Шунинг билан бирга қайси бир турдаги омиллар хўжалик учун ҳаётий мазмунга эгаллиги ҳамда бошқа бир турдаги омилларнинг умумий натижага бўлган таъсири у қадар юқори эмаслигини ҳам белгилаб олиш зарурияти юзага келади. Фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий диагностикасини олиб боришда омилли таҳлил усулидан фойдаланиш натижасида хўжалик фаолиятининг муайян бир даврдаги якунлари шаклланишига таъсир этувчи барча ижобий ва салбий омилларни белгилаб олиш ижобий таъсир этувчи омиллардан янада кенгроқ тарзда фойдаланиш ҳамда салбий омиллар таъсирини мумкин қадар камайтириш имконияти яратилади.

Фермер хўжаликлари молиявий-иқтисодий диагностикасини ўтказиш давомида статистик тўпламлар тузиш ҳамда статистик гуруҳлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Гуруҳлаштириш ёрдамида диагностика олиб бориладиган объектларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш таъминланади. Жумладан, фермер хўжаликлари хўжалик фаолияти турларига кўра гуруҳлаштириш, масалан, пахта ҳамда ғалла етиштиришга ихтисослашган ва ҳ.к. Бу каби гуруҳлаштириш таркибий гуруҳлаштиришга мисол бўла олади. Фермер хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланишга ёки ернинг ҳосилдорлигига қараб гуруҳлаштириш ва бошқалар.

Иқтисодий субъектлар фаолиятига баҳо беришда қўлланиладиган усуллардан яна бир корреляция усулидир. Корреляция (инглизча – ўзаро боғлиқлик) ўрганиладиган ҳодисалар ўртасидаги алоқа фаолияти тобалик кўринишида бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Бу усул математик - статистика усуллари ёрдамида хўжалик фаолиятига турли йўналишда таъсир кўрсатувчи айрим омиллар ўртасидаги турли даражалар (алоқа зичлиги)нинг боғлиқлигини ҳисоблаб чиқишга, улар ўртасидаги энг мувофиқ нисбатни топишга ҳамда натижавий кўрсаткич билан уни тақозо қилган омил ёки омиллар ўртасидаги миқдорий боғлиқликни белгилашга имкон яратади.

Бу усулда иккита кўрсаткичнинг алоқа зичлиги алоҳида коэффицентлар билан ўлчанади. Уларнинг муносабати ва ўзгариши 0 дан 1 гача. Корреляция муносабати чегарасининг 0,1-0,3 гача бўлиши бўш; 0,4-0,5 етарли; 0,5-0,7 сезиларли; 0,7-0,9 юқори; 0,9-0,99 жуда ҳам юқори ҳисобланади.

Корреляцион-регрессион таҳлил ҳам таҳлилий гуруҳлаштиришга ўхшаш вазифани бажаради. Айни пайтда, у омиллар ва натижалар ўртасидаги боғлиқликни аниқроқ миқдорда ифодалайди, шунингдек боғлиқликнинг қанчалик ишончли эканлигига ҳам баҳо беради.

Таҳлилий гуруҳлаш ва корреляцион регрессион таҳлил қўлланилаётган тўплам ўз ичига иқтисодий мазмуни бир хил объектларни олиши лозим. Чунки турли омилларнинг натижага таъсири ҳам ҳар хил иқтисодий шарт-шароитларда бир хил бўла олмайди. Статистик усуллар эса омиллар таъсирини ўртачалаштиришга асосланган. Айрим ҳолларда бегона таъсир кучли бўлганда ўртачалаштириш ҳақиқий боғланишни ифодаламай қўяди. Иқтисодий жараёнлар икки турдаги сабаб ва шарт-шароитлар таъсирида содир бўлади:

1) тадқиқ этилаётган тўпламнинг барча объектлари учун асосий ёки умумий омиллар таъсирида;

2) тўпламнинг алоҳида объектлари индивидуал хусусиятларини ёки ўзига хослигини белгиловчи алоҳида омиллар.

Биринчи гуруҳга кирувчи омиллар кузатилаётган иқтисодий ҳодисанинг оммавий ҳолатини белгилайди. Унинг одатдаги даражасини шакллантиради. Бу омилларнинг таъсири барча объектларда абсолют бир хил бўлганида, унинг таъсири остида иқтисодий жараёнларнинг тебранишлари муайян чегарадан четга чиқмайди. Иккинчи гуруҳ омиллар эса тўпламдаги турли турли объектларда бир хил таъсирга эга эмас, уларнинг кучли таъсирга эга бўлган объектларни бошқа объектлар билан таққослаб хулоса чиқариш тўғри бўлмайди.

Иқтисодий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишда корреляцион-регрессион таҳлил усулидан фойдаланиш XX асрдаёқ иқтисодчилар эътиборини тортган эди. Латвиялик иқтисодчи О.П.Крастин 1971 йилдаёқ корреляцион моделларда натижавий кўрсаткичларни танлаб олишда 2 та умумий талабни таърифлаб берган эди:

1) натижавий кўрсаткичлар инсон томонидан қисман (тўлиқ эмас) бошқариладиган ҳодисаларни ифодалаши лозим;

2) Натижавий кўрсаткичлар танлаб олинган омилий белгиларнинг мантиқий оқибати бўлиши лозим⁴.

Шунингдек танлаб олинган натижавий кўрсаткичлар тадқиқ этилаётган иқтисодий ҳодисани тадқиқотнинг мақсад ва вазифасига мувофиқ ҳолда бевосита ёки билвосита характерлаши лозим.

О.П.Крастин омилларни танлаб олишга умумий мантиқий талабларни таърифлаб берган:

1) танлаб олинган омил иқтисодий назария томонидан муҳим деб тан олинган бўлиши лозим;

2) ҳар бир омил моделда фақат битта кўрсаткич орқали ифодаланиши лозим, моделга жамланма омилларни ва уларнинг таркибий қисмларини бир вақтнинг ўзида киритиш мумкин эмас;

⁴ Крастин О.П. Агроэкономические функции. Рига, 1971, стр.37.

3) барча омиллар имкони борида бир хил бўлувчиларга эга бўлиши маъқул, лекин бу талаб мажбурий эмас;

4) моделга киритилган омиллар сабаб ва оқибат занжирида битта босқичда турган бўлиши лозим;

5) моделга киритилган омилларнинг ўзаро боғлиқлиги кучли бўлмаслиги маъбул ҳисобланади⁵.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, айниқса давлат буюртмаси асосида пахта ва ғалла ҳосили етиштирувчи фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолияти давомида домий тарзда айланма маблағларга эҳтиёж сезиши сабабли мамлакатимизда фаолият юритаётган деярли барча фермер хўжаликлари томонидан банк кредитларидан фойдаланилмоқда.

Республикаимизда давлат буюртмаси асосида пахта ва ғалла ҳосилини етиштирувчи фермер хўжаликларини Молия Вазирлиги ресурслари ҳисобидан тижорат банклар орқали кредитлаш механизми шакллантирилган бўлиб, унга кўра тижорат банклари кредитлаш амалиёти ҳамда унинг мониторингини ўтказиш давомида мунтазам равишда фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил этиб боришлари зарур. Бунинг натижасида мамлакатимизда фермер хўжаликларининг молиявий-иқтисодий диагностикасини ўтказишнинг муайян бир тизими вужудга келган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит қобилияти бир қатор кўрсаткичлар билан таърифланади. Кўрсаткичлар сони чекланмайди ва ҳар бир тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилувчи мижозлар фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистонда қўлланаётган методикада кредитга қобилликнинг энг муҳим ёки мажбурий кўрсаткичлари сифатида қоплаш коэффиценти, ликвидлик ва ўз маблағлари билан таъминланганлик (мустақиллик коэффиценти), шунингдек, ўз айланма маблағлари мавжудлиги,

⁵ Крастин О.П. Методы анализа регрессии и корреляции при определении агроэкономических функций. Рига, 1970, стр 18.

тўловсизликлар, айланма маблағлари фойда келтириши ва айланувчанлиги динамикалари кўриб чиқилади.

Кредит қобилиятини баҳолаш хўжалик юритувчи субъектлар баланси ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, зарур ҳолларда кредитга қобилликни баҳолашда статистик ҳисоботлар материаллари, банкнинг ихтиёридаги статистик ва таҳлилий материаллардан ва ҳоказолардан фойдаланилади.

Кредит қобилиятининг асосий кўрсаткичлари қоплаш, ликвидлик ва ўз маблағлари билан таъминланганлик (мустақиллик коэффиценти) коэффицентларидир.

Балансни қоплаш коэффиценти қисқа муддатли ликвид маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати сифатида ҳисобланади.

Турли омиллар таъсирини пасайтириш учун хўжалик юритувчи субъектлар балансининг ликвидлик кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилади, у пул маблағлари ва осон амалга ошириладиган талаблар суммасининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади, яъни ҳисоб-китобга товар-моддий бойликларнинг захиралари киритилмайди, балки фақат ҳақиқий ликвид активлар ҳисобга олинади.

Ликвидлик коэффиценти жорий мажбуриятларнинг қандай қисми нафақат нақд пуллар ҳисобига, балки юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳисобига ҳам тўланиши (узилиши) мумкинлигини кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз манбалари билан таъминланганлиги (ёки мустақиллик коэффиценти - МК) корхона баланси пасивининг умумий якунида ўз манбалари ҳиссасини ҳисоблаш йўли билан баҳоланади ва корхонанинг маблағларини қарз манбаларидан мустақиллигини акс эттиради.

Корхонанинг ўз манбалари билан таъминланганлик фоизи 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Айланма маблағлари айланувчанлиги юқори бўлганда ва хўжалик фаолиятининг характериға боғлиқ ҳолда ушбу кўрсаткичнинг йўл

кўйиладиган даражаси бир қадар паст бўлиши мумкин.

Агар ушбу коэффиценти 0,6 дан, яъни 60 фоиздан юқори бўлса, кредит хатари энг кам деб ҳисобланади. Ўз айланма маблағлари мавжудлиги динамикаси, тўловсизликларнинг ва айланма маблағлар айланувчанлигининг фойда келтириши кредит қобилятининг қўшимча кўрсаткичларига киритилади.

Ўз айланма маблағлари мавжудлиги коэффиценти ўз маблағларидан узоқ муддатли активларни айириб ташлаш орқали аниқланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва оборотдан ташқари активлари (баланс активининг I бўлими) ўз маблағлари манбаларидан ошиб кетган ҳолларда ноликвид баланс ҳосил бўлади. Ноликвид балансларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга банк кредитлари берилмаслиги ёки берилган кредитлар қайтариб олиниши лозим бўлади.

1-жадвал

Кредит қобиляти турли даражаларида унинг асосий кўрсаткичлари бўйича талаблар

№	Номи	I даража	II даража	III даража	IV даража
1	Қоплаш коэффициенти	$k > 2$	$2 > k > 1$	$1 > k > 0,5$	0,5дан кам
2	Ликвидлик коэффициенти	1,5 дан ортиқ	1,0 дан 1,5 гача	1,0 дан кам	ликвид маблағлари бўлмаганда
3	Мухторлик коэффициенти	$k > 60\%$	$60\% > k > 30\%$	30 % дан кам	Баланс ноликвид

Кўриниб турибдики, молиявий таҳлилга ва коэффицентлар микдорига асосан хўжалик органлари кредитга қобилликнинг 4 даражасига

ажратилади ва муайян даражага мансубликка қараб банкнинг корхона билан ўзаро кредит муносабатлари қурилади.

Биринчи даражага киритилган корхоналар умумий асосларда (шартларда) кредитланади. Уларга нисбатан кредит беришнинг имтиёзли тартиби ҳам назарда тутилиши мумкин, яъни ишонч кредити берилиши, қўшимча маълумотлар ва ҳисоб-китобларсиз (маълумотларда кўрсатилган рақамларнинг ишончлилиги асосида) кредит ва бошқа имтиёзлар тақдим этилиши мумкин.

Иккинчи даражага киритилган корхоналар умумий асосларда кредитланади ва агар ижобий қўшимча кўрсаткичлар мавжуд бўлса, имтиёзлар ҳам берилиши мумкин (ишонч кредити тақдим этилишидан ташқари).

Лекин агар иккинчи даражага киритилган корхона салбий қўшимча кўрсаткичларга эга бўлса, унинг молиявий барқарорлиги етарли эмас деб ҳисоблаш лозим. Бундай корхона билан шартномалар тузилганида унинг фаолияти ва кредитнинг қайтарилиши устидан назоратнинг қўшимча чоралари назарда тутилиши керак.

Хусусан, гаров ҳукуқи қаттиқлаштирилиши, фоиз ставкалари оширилиши, кафолатлар берилиши ҳамда ссудалардан фойдаланиш миқдорлари ва муддатлари чекланиши керак ва ҳоказо.

Учинчи даражага киритилган корхоналар фақат фавқулодда ҳолларда, юқори ташкилот кафолати ёки оширилган фоиз ставкасини ундириш билан мол-мулк гаровга қўйилгандагина кредитланади.

Тўртинчи даражага киритилган корхоналар кредитланмаслиги керак (фақат ҳукуматнинг махсус фармойишлари ва кафолати билан кредитланиши лозим).

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини кредитга лаёқатлилиқ таҳлили хулосалари асосан ликвидлик коэффиценти, қопланганлик коэффиценти ҳамда мухторият коэффиценти натижаларига таянади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ушбу коэффицентларнинг

натижаларини талқини ҳамда бериладиган хулосалар асосан саноат корхоналари учун ишлаб чиқилган бўлиб, миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари хусусиятлари, жумладан қишлоқ хўжалигининг туб хусусиятлари ҳисобга олинмаган.

1.3. Фермер хўжаликлари молиявий ривожланиши тенденциялари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида иқтисодиётдаги барча хусусий тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермерчилик умуман олганда муваффақиятли ривожланиб бораётган бўлсада, улар фаолиятида молиявий муносабатлар ташкил этилиши боғлиқ қатор муаммолар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Уларни изчил равишда ҳал этиш учун ҳукумат томонидан салмоқли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президент И.А.Каримов 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мулжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йуналишларига бағишланган мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби» мавзуидаги маърузасида таъкидлаганидек: «Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 трлн. сўм, жумладан, пахта тайёрлашга 800 млрд. сум, ғалла етиштиришга 200 млрд. сўм маблағ аванс тариқасида берилди. Қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда». фермер хўжаликларига нисбатан бундай молиявий ғамхўрлик мунтазам

характерда эканлигини ва йил сайин амалга ошириб борилаётганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

2008 йил ҳосилини етиштириш учун тижорат банклари орқали қишлоқ хўжалигига жами 982,9 млрд. сўм, шундан пахта ҳосили учун 787,1 млрд. сўм ва бошоқли дон ҳосили учун 195,8 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар йўналтирилди. 2009 йил бошоқли дон ҳосили етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши давом эттирилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига киритилган чора-тадбирлар ўз мазмуни ва аҳамиятига кўра мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, ушбу дастурни ҳар томонлама изчил ва тўлиқ амалга оширилиши 2009 йилда қишлоқларимизнинг, умумий ҳолда эса мамлакатимизнинг тараққиёти ва равнақига сезиларли ҳисса қўшди.

Ўзбекистонда фермерликнинг ривожланиб боришида банк-молия соҳаси муассасалари билан ҳамкорлик катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан, молиявий лизинг хизмати бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган субъектлар учун ҳар томонлама қулай ва иқтисодий самарали ёрдам сифатида ўзини тўла намоён этмоқда. Молиявий ресурсларнинг етарли эмаслиги фақат айланма маблағларнинггина эмас, балки асосий воситаларнинг ҳам етишмаслигига олиб келиши мумкин. Қишлоқ хўжалигида бу техника воситаларига эҳтиёжнинг қондирилмаслиги бўлиб ифодаланади. Бундай шароитларда лизинг тизими фермер хўжаликларига техника етказиб беришнинг энг қулай ва замонавий тизими эканлиги рўй-рост исботланмоқда. Техникани лизингга олиш натижасида фермерларнинг МТПлар хизматидан фойдаланишга эҳтиёжи қолмайди ва маблағлари тежалади, чунки қатор ҳолларда МТПлар монопол мавқега эга эканликларидан фойдаланиб, хизматлар тарифларини асоссиз равишда баланд белгилайдилар.

Лизинг тизимидан фойдаланиш бир қатор молиявий афзалликлар беради. Бу, аввало, тўловларнинг амалга оширилишида кўринади - фермерлар лизингга олинган техника учун тўловларни аста-секинлик билан бир неча йил мобайнида амалга оширадилар. Бу муддат ичида техника ўзи учун маблағ ишлаб топади, олинган фойданинг бир қисми лизинг тўловларини тўлашга йўналтирилади. Агар инфляция жараёнининг техника қиймати ва лизинг фоизлари миқдorigа таъсир этмаслигини инобатга олсак, лизингни лизинг олувчи учун нақадар фойдали эканлиги янада равшан булади. Яна бир қулайлик шундан иборатки, лизинг олувчи ўз айланма маблағларининг тежалишига ва улардан самаралироқ фойдаланишга эришади, яъни тежалган маблағлар айланма маблағлар (уруғлик, ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар) сотиб олишга сарфланади, иккинчи томондан фермер ўз машина-трактор паркни янгилайди.

Лизинг амалиётлари фермерлар учун қанчалик иқтисодий самара келтираётганини бевосита мисолларда кўриб чиқиш мумкин. 2006 йилда бир дона чопик трактори олган «Шаҳидон боғу-бўстон» фермер хўжалигида лизинг асосида олинган чопик трактори мавжудлиги туфайли 1 гектар экин майдонига сарфланган техника хизмати харажатлари 261 минг сўмни ёки умумий харажатларнинг 17,1 фоизини ташкил қилган бўлса, қўшни фермер хўжаликларида бу харажат тегишлича 312 минг сўм (умумий харажатнинг 24,6 фоизини) ва 409 минг сўм (28,2 фоиз)ни ташкил этган. Харажатлар даражасидаги тафовутлар 2007-2009 йилларда ҳам сақланиб қолди. Бундан ташқари қўшни хўжаликларга техника хизматлар кўрсатишдан йилига 2,5-3,0 млн. сўмдан даромад олинди. Кўриниб турибдики, лизинг асосида олинган трактор фермер хўжалигига нафақат иқтисодий самара, балки ёқилғи-мойлаш материаллари, захира қисмлардан тежаб-тергаб, унумли фойдаланиш имконини ҳам бермоқда.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда фермер хўжаликларининг фаолияти давлат томонидан имтиёзли қарзлар, субсидиялар ва бошқа турдаги молиявий ёрдамлар ҳамда квоталар орқали тартибга солиб турилади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси уларнинг иқтисодий эркинликларини чекламаган ҳолда, махсус давлат дастурлари орқали амалга оширилади. Иқтисодий нашрларда ҳозирги пайтда дунё давлатлари қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили ўрта ҳисобда 350 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ сафланаётганлиги таъкидланади. Фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туришни талаб қиладиган яна бир омил уларнинг даромадлари миқдори билан боғлиқ. Фермер хўжаликлари даромадлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналарга нисбатан орқада қолиш тенденциясига эга. Бу ҳолат фермер хўжалиги маҳсулотларига баҳонинг пасайиб кетмаслигини таъминлаш вазифасини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари муваффақиятли фаолият олиб боришлари учун салмоқли имтиёзлар яратилган, жумладан:

- ширкат хўжаликлари ўрнига ташкил этилган боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг 5 йилнинг давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод этилганлиги;
- фермер хўжаликлари фаолиятини ҳукумат тузилмаси таркибида фаолият кўрсатувчи Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатсиз текшириш таъқиқланганлиги ва текширишларнинг Кенгаш рухсати билан 4 йилда бир маротаба ўтказилиши;
- фермер хўжаликлари устав капиталини ва ишчи капиталини кенгайтириш бўйича тадбирлар амалга оширилаётганлиги;
- фаолиятида хорижий технологияларни қўллаган фермер хўжаликларининг божхона тўловларидан озод қилинганлиги;
- мева-сабзавот маҳсулотлари ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни имтиёзли тартибда экспорт қилишга рухсат берилганлиги;
- фермер хўжалиги тегишли лойиҳада назарда тутилган ерни ўз ҳисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин беш

йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона солиғи тўлашдан озод қилинганлиги ва бошқалар;

- давлат буюртмаси асосда маҳсулот етиштираётган фермер хўжаликларининг имтиёзли кредитланиши.

Айни пайтда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликларининг сони кўпайиши ва молиявий мустақамланиши билан бир вақтда, уларнинг самарали ишлаши ва фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ муаммолар ва камчиликлар ҳам намоён бўлиб бормоқда.

Фермерларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хўжалик юритишнинг соҳасида, шунингдек, ҳуқуқий, иқтисодий билим ва малакаларининг етишмаслиги улар иш юритишларида қийинчилик туғдирмоқда. Жумладан, айрим фермер хўжаликларида ер ресурсларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ер участкасидан оқилона фойдаланмаслик, банк, таъминот ва тайёрлов корхоналари билан хўжалик муносабатларида фермерлар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бу каби муаммоларнинг ечимида фермер хўжалиги фаолиятида шартномавий муносабатларни йўлга қуйиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, фермер хўжалиги ўз фаолиятида зарур бўлган маҳсулот ёки хизматларни четдан сотиб олади ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни бошқа корхона ҳамда ташкилотларга сотади. Бу жараёнлар, албатта, икки томоннинг ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосидаги келишуви, яъни шартномалар орқали тартибга солинади. Фермер хўжалигининг бошқа ташкилот ва корхоналар билан бўладиган ўзаро муносабатларида фойда ёки зарар кўриши айнан ўзаро шартноманинг тўғри тузилишига ва ундаги ҳуқуқларини тўғри талаб қилиб, зиммасидаги мажбуриятларни сўзсиз бажаришига боғлиқ. Фермер хўжаликлари раҳбарларида молиявий билимлар ва молиявий менежмент малакаси етарли эмаслиги натижасида кўп ҳолларда зарар кўраётганликлари маълум бўлмоқда.

Мамлакатимизда давлат томонидан фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиб туришни талаб қиладиган омиллардан яна бири қишлоқ

жойлари иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси шаҳарларга нисбатан кескин орқада қолиши мумкин эмаслигидир. Фермер хўжаликлари ўзлари жойлашган ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишида фаол қатнашишлари учун етарли молиявий имкониятларга эга бўлишлари лозим. Давлатнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини тартибга солиб туриш заруратини келтириб чиқарадиган яна бир омил жойларда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқдир. Бу ишлар ҳам катта маблағ талаб этади ва шу сабабли ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналари, жумладан фермер хўжаликлари фаолияти давлат томонидан тартибга солиб туришни талаб қилади. Таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиб туриш тўғрисида гап борганда уларнинг фаолиятига давлатнинг бевосита аралашуви ҳақида эмас, балки давлат ўз қўлидаги жуда кучли қурол ва дастаклар билан фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир кўрсатиши (уларнинг фаолиятини тартибга солиб туриш) ҳақида гап бораётганини назарда тутиш лозим.

2-боб. Фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўналишлари

2.1. Фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини белгиловчи омиллар

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади.

«Шу билан бирга, - деб таъкидлайдилар Президентимиз, - ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда»⁶.

Фермер хўжаликларига ажратилаётган кичик ҳажмдаги ерларда самарали хўжалик юритиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрларни бу борада олиб борилган баъзи илмий тадқиқот натижалари ҳам яққол тасдиқлайди. Жумладан, Б.Холматовнинг таъкидлашича, «фермер хўжаликлари ўртасида

⁶ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 22-23-б.

ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг аксарият қисми тежамкорликка тўсқинлик қилувчи сабаблардан бири сифатида ажратилган ер майдонлари ҳажмининг самарали хўжалик юритиш учун етарли даражада эмаслигини кўрсатганлар. Фарғона вилоятидаги битта фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртача ер майдони 16,2 гектарни ташкил этмоқда. Натижада кичик ҳажмдаги ер майдонларига эга бўлган фермер хўжаликлари фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлиги ва тежамкорлик тамойилларига зид келмоқда. Жумладан:

- йирик ҳажмдаги ер майдонларига мўлжалланган техника воситаларидан фойдаланишдаги муаммолар;
- доимий ишчилардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги;
- баъзи бир ресурс ва хизмат турларидан қонуний ва тўлиқ асосда фойдаланишдан манфаатдор бўлмаслик;
- тўлақонли фаолият юритишга қизиқишнинг сустлиги, тезроқ фойда олишга интилишга мойилликнинг пайдо бўлиши ва бошқалар.

Сўровда иштирок этган баъзи бир фермер хўжалиги раҳбарларининг фикрича, кичик ҳажмдаги ерга эга бўлган хўжаликлар учун тижорат банкларидан кредит ёки асосий воситаларни лизингга олиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Баъзи ҳолларда банк ёки лизинг компаниялари асосий воситани лизингга бериш учун хўжалик ер майдонининг камида 40-50 гектар бўлишини талаб этмоқдалар. Чунки бунда кам ҳажмдаги ер майдонига эга бўлган хўжаликлар ўз фаолиятидан олинган соф даромад ҳисобига лизинг тўловларини тўлашда қийинчиликка дуч келадилар. Бу ҳолатни шартли мисол ёрдамида кўриб чиқиш ҳам мумкин (5-чизма).



5-чизма. Турли ҳажмдаги ер майдонига эга бўлган ҳўжаликлар молиявий натижаларининг лизинг тўловини қоплашга лаёқатлилиги даражаси⁷.

Чизмадан кўринадик, ишлаб чиқариш рентабеллигининг 25% даражасида ернинг турлича ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, уни сотишдан тушум ва соф даромад ўртасидаги тафовут турлича бўлмоқда. Барча ҳўжаликларда соф даромад олишга эришилишига қарамай, фойда массаси, ҳўжалик ер майдони ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, жиддий фарқ қилмоқда.

Асосий воситалар лизинги учун йиллик тўлов ҳажмининг тахминий 2,5 млн. сўмлик миқдорида фақат 33 гектардан ортиқ ер майдонига эга ҳўжаликлар бундай тўловни қоплаш имконига эга. Агар бошқа харажат ва тўловларни, кенгайтирилган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ҳисобга олинса, лизингдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган ҳўжаликлар камида 40-50 гектар ер майдонига эга бўлиши лозимлиги намоён бўлади»⁸.

Шу каби асослардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер ҳўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

⁸ Холматов Б.А. Тежамкорликнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми. – И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2008, 17-18-б.

оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди. Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда – 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

2008 йилда асосий эътибор барча тоифа хўжаликларида чорва мол бош сони ва унинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилди. Натижада жами қорамоллар сони 8024,8 минг бошга етиб, шундан сигирлар сони 3327,0 минг бошни, қўй ва эчкилар 13559,4 минг бошни, паррандалар 29498,4 минг бошни ташкил этди. Тирик вазнда 1287,9 минг тонна (106,5%) гўшт, 5426,3 минг тонна (106,4%) сут, 2429,0 млн дона (109,7%) тухум, 23779,0 тонна (106,2%) жун ва 896,8 минг дона (114,9%) қоракўл тери ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон қарорига мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол сотиб олиш мақсадида 22,4 минг нафар фуқарога 40,0 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мавжуд чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида чет эллардан 39,3 млрд. сўмга жами 6501 бош насли моллар келтирилди, бунда бир бош насли молнинг ўртача нархи 3,7 млн. сўмга (2007 йилда 3,6 млн. сўм) тўғри келди.

2008 йилда амалга оширилган ташкилий агротехник тадбирлар натижасида барча тоифдаги хўжалик субъектлари томонидан жами 9 млн. 791,1 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, шундан 5217,4 минг тонна сабзавот, 1398,7 минг тонна картошка, 981,2 минг тонна полиз, 1402,8 минг тонна мева ва 791,0 минг тонна узум ишлаб чиқарилди. Бироқ, бизда ҳали ушбу маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш муаммолари тўлиқ ҳал этилгани йўқ. Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги

махсулотлари, айниқса, пилла, жун, тери, пахта ва бошқаларни етиштириш ва улардан тайёр махсулот ишлаб чиқариш ўртасида номутаносиблик сақланиб қолмоқда. Жумладан, пахта хомашёсининг 34%, меваларнинг 17%, сабзавотларнинг 12%, полиз экинларининг 7%, узумнинг 25%, терининг 28%, жуннинг 17%, гўштнинг 27%, сутнинг 7% саноатда қайта ишланмоқда холос. Шунга кўра, дастурда мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари учун имтиёзларни узайтириш масалалари ҳам ўрин олган.

Қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқаришни табиатнинг турли шароитларига мослаштиришда иссиқхоналарнинг роли катта. 2009 йилда ҳар бир туманда камида 5 тадан иссиқхона қуриш мўлжалланганлиги бу борадаги муҳим қадамлардан ҳисобланади.

Соҳани ривожлантиришда моддий-техник таъминот масаласига энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётгани сабабли 2008 йилда қишлоқ хўжалигига хориждан 1149 дона ВТ-150 ва Т-4А русумидаги занжирли ва 459 та МХМ-140 русумли ҳайдов тракторлари ҳамда 386 та юқори унумли CLASS компаниясининг «Dominator-130» русумли дон ўриш комбайнлари олиб келинди. Лизинг асосида қишлоқ хўжалик корхоналарига жами 48,9 млрд. сўмлик 3459 дона турли хилдаги техникалар етказиб берилди. 2009 йилда ҳам ушбу анъанани давом эттириб, 7547 та техника лизинг, кредит асосида олиш орқали техника таъминотини кучайтириш кўзда тутилди.

Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришни ва қурилишни тез суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли фаровонлигини оширишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, 2009 йилда чорвачилик ва паррандачиликда, гўшт ва сутни қайта ишлашда, тикув, пойафзал ва мебель ишлаб чиқаришда, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 65 минг янги иш жойи ташкил қилиш кўзда тутилди. Айни пайтда ҳар бир вилоятда хорижда ишлаб чиқарилган юқори технологияга асосланган мева-сабзавот, чорвачилик махсулотларини чуқур

кайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш янги иш ўринлари сонини янада оширади.

2008 йилда жами 1523 та, шундан 168 таси касаначилик асосида янгидан ишчи ўринлари яратилиб, улар томонидан 59 млн. 595,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, қолган 1355 та янги иш ўринлари ташкил этилган 49 та Давлат унитар корхоналари ҳисобига амалга оширилди. 2009 йилда қишлоқ жойларида касаначиликни янада ривожлантириш ҳисобига 70 минг янги иш жойи, кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига 110 минг иш жойи ташкил қилинди.

Тошкент шаҳрида 2008 йилнинг 13-16 октябрь кунлари IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди. Кўргазмада дунёнинг 34 давлатидаги 300 дан ортиқ компаниялардан ташриф буюрган 450 нафар вакил бевосита тадбирнинг иштирокчисига айлангани ҳолда улар эътиборига пахта толасининг мингдан ортиқ намуналари намойиш этилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мини технологиялар ярмаркасини ўтказиб, унда миллий ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган техникаларни намойиш этилиши фермер ва тадбиркорлар учун янги имкониятларни яратади.

2008 йил ҳосилини етиштириш учун тижорат банклари орқали қишлоқ хўжалигига жами 982,9 млрд. сўм, шундан пахта ҳосили учун 787,1 млрд. сўм ва бошоқли дон ҳосили учун 195,8 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар йўналтирилди. 2009 йил бошоқли дон ҳосили етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 201,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ барча тадбирлар шартнома асосида ташкил этилмоқда, мавсум якуни бўйича жами 6 млн. 250 минг тонна ғалла ишлаб чиқарилиб, шунинг 2 млн. 533,9 минг тоннаси давлатга сотилди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига киритилган чора-тадбирлар ўз мазмуни

ва аҳамиятига кўра мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, ушбу дастурни ҳар томонлама изчил ва тўлиқ амалга оширилиши 2009 йилда ва кейинги даврларда хусусан қишлоқларимизнинг, умумий ҳолда эса мамлакатимизнинг тараққиёти ва равнақиға сезиларли ҳисса қўшмоқда.

2.2. Фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги асосий муаммолар

Ўзбекистонда фермерликнинг ривожланиб боришида банк-молия соҳаси муассасалари билан ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. Хусусан, молиявий лизинг хизмати бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган субъектлар учун ҳар томонлама қулай ва иқтисодий самарали ёрдам сифатида эътироф этилмоқда. Республикамиз Президенти И.А.Каримов 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мулжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил лавом этириш - давр талаби» мавзусидаги маърузаларида фермер хўжаликлари ҳозирги кунга келиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шаклига айланганлигини, юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилган бўлиб, улар муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигини қайд этиб ўтдилар.

«Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда, — деб таъкидладилар юртбошимиз ўз маърузаларида. — Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-рининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 трлн. сўм, жумладан, пахта тайёрлашга 800 млрд. сум, ғалла етиштиришга 200 млрд. сўм маблағ аванс

тариқасида берилди. Қишлоқ хужалиги техникасини лизинг асосида сотиб олиш буйича махсус ташкил этилган Фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун ўтган йили 43 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, жорий йилда 58 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда».

Собиқ. ширкат хўжаликларининг негизида ташкил этилган муқобил МТП ларнинг техника саройлари эскириб, бугунги фермер талабига тўлиқ жавоб бера олмаётганлигини, туман МТПларининг эса ҳудудларда монопол корхона бўлиб қолаётганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда лизинг тизими фермер хужаликларига техника етказиб беришнинг энг қулай ва замонавий тизими эканлиги рўй-рост намоён булади. Техникани лизингга олиш натижасида фермерларнинг юқоридаги ҳар иккала МТПлар хизматидан фойдаланишга эҳтиёжи қолмайди ва маблағлари тежалади.

Шубҳасиз, лизинг тизимидан фойдаланиш бир қатор афзалликлар беради. Бу, авваламбор, тўловларнинг амалга оширилишида кўринади — тадбиркорлар лизингга олинган техника учун тўловларни аста — секинлик билан бир неча йил мобайнида амалга оширадилар. Бу муддат ичида техника ўзи учун маблағ ишлаб топади, олинган фойданинг бир қисми лизинг тўловларини тўлашга йўналтирила-ди. Агар инфляция жараёнининг техника қиймати ва лизинг фоизлари миқдори таъсир этмаслигини инобатга олсак, лизингни лизинг олувчи учун нақадар фойдали эканлиги янада равшан булади. Яна бир қулайлик шундан иборатки, лизинг олувчи ўз айланма маблағларидан самаралироқ фойдаланиш имкониятига эга бўлади, яъни тежалган маблағлар айланма маблағлар (уруғлик, ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқалар) сотиб олишга сарфланади, иккинчи томондан фермер ўз машина-трактор паркини янгилайди.

Ушбу лизинг амалиётлари фермерлар учун қанчалик иқтисодий самара келтираётганини бевосита мисолларда кўриб чиқиш мақсадга

мувофиқдир. 2006 йилда бир дона чопик трактори олган «Нор Олим Орзу» фермер хўжалигини кўриб чиқамиз ва яққолроқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг кўрсаткичларини ушбу хўжалик билан ёнма-ён фаолият кўрсатаётган иккита фермер хўжаликларининг кўрсаткичларини таққослаб кўрамиз (2-жадвал).

2-жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	«Нор Олим Орзу» ф/х	«Қўрғонтепа Ёрқин Юлдузи» ф/х	«Обло Ўқтам Бўстони» ф/х
1	Жами с/р майлони: шундан пахта галла	га	20.7 16.7 4	38.2 35.2 3	34 31 3
2	1 га ердан олинган даромад	минг сўм	2138	1571	1611
3	1 га ерга қилинган харажат	миинг сўм	1537	1269	1452
4	1 га с/рдаи олинган фойда	минг сўм	601	302	159
5	Фойдалилик даражаси	%	39	23	10.9
6	Ҳосилдорлик Пахта галла	ц/га ц/га	37.1 60	34.1 53	32.5 54
7	Техника хизмати харажатларининг улуши	%	17.1	24.6	28.2
8	Лизингга олинган чопик трактори	дона	1	-	-

Жадвалдан куришиб турибдики, «Нор Олим Орзу» фермер хўжалигида лизинг асосида олинган чопик трактори мавжудлиги туфайли 1 гектар экин майдонига сарфланган техника хизмати харажатлари 261 минг сўмни ёки умумий харажатларнинг 17,1 фоизини ташкил қилган бўлса, қўшни фермер хўжаликлари-да бу харажат

тегишлича 312 минг сўм (умумий харажатнинг 24,6 фоизини) ва 409 минг сўм (28,2 фоиз)ни ташкил этаяпти. Демак, лизинг асосида олинган трактор фермер хўжалигига нафақат иқтисодий самара, балки ёқилги-мойлаш матери-аллари, захира қисмлардан тежаб-тергаб, унумли фойдаланиш имконини ҳам берар экан.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг сони тобора ортиб, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда салмоқли ўринга эга бўлиб бормоқда. Шу боис ҳам, ўтиш даврида фермерлар фаолиятини, уларнинг давлат ва бошқа хўжалик юритиш субъектлари билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликлари сони кўпайиб бориши билан улар фаолиятини мувофиқлаштириш масаласига ҳам ҳукумат томонидан катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 1997 йил 18 мартдаги "Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 апрелдаги 215-сонли қарори билан Республика шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси ташкил этилди.

Ҳозирги кунда республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, унинг вилоят ва туманлардаги вакилликлари фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи етакчи ташкилот сифатида фаолият юритмоқда. Шу билан биргаликда, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлган, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзгўштсутсаноат" давлат акционерлик уюшмаси тизимида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳам мавжуд.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг бир қисми Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, бир қисми қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, "Ўзгўштсутсаноат" давлат акционерлик уюшмаси каби ташкилотлар тизимида фаолият юритмоқда. Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш борасида ягона, бир

тизимли сиёсат олиб бориш учун барча фермер хўжаликлар Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси тизимида фаолият юритиши лозим.

Уюшманинг туман вакилликлари эса бевосита фермер хўжаликлари билан иш олиб боргани ҳолда улар ҳам барча топшириқ ва вазифаларни вилоят вакиллиги ва туман ҳокимиятидан олиб, ўз навбатида вилоят вакиллиги фаолиятини такрорлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, улар ҳам фермер хўжаликларини ривожлаптириш, улар олдида турган муаммоларни ҳал қилишда ташаббус кўрсатиб, фермер хўжаликларига бевосита амалий ёрдам беришда сезиларли ўрин тута олмайдилар. Туман вакилликларининг асосий вазифаси вилоят вакиллиги ва маҳаллий ҳокимиятлар буйрукига биноан қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва фонд бўйича марказлашган усулда тақсимлашдаги моддий-техника ресурсларини бевосита фермер хўжаликларига етказишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Республика бўйича ўтказилган анкета сўровларида иштирок этган 200 та фермернинг 85-90 фоизи «Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туман вакиллиги ишлаб чиқаришида, маҳсулот сотишда, материаллар билан таъминлашда ердам берадими?» деган саволларга «йўқ» деб жавоб қайтаришган. Ўтказилган сўровларнинг кўрсатишича, фермерлар туман вакилликларига ЁММ, ўғит ва шу каби материаллар учун тақсимланадиган фондларни олиш учунгина аъзо бўлишади. Фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришда туман вакилликларининг ўрни деярли сезилмайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фермер хўжаликларининг фаолияти давлат томонидан имтиёзли қарзлар, субсидиялар ва бошқа турдаги молиявий ёрдамлар ҳамда квоталар орқали тартибга солиб турилади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиёти қонунлари доирасида, махсус давлат дастурлари орқали амалга оширилади.

Янгидан ташкил этилаётган фермер хўжалиги мажбурий-ихтиёрий равишда бир вақтнинг ўзида "фермерлар бирлашмаси (ёки уюшмаси)га",

шунингдек, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакилликка аъзо бўлмоқда. Амалиёт тажрибаларининг кўрсатишича, мазкур уюшмалар ҳозирги кунда кўпроқ фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва ҳуқуқий ҳимоя қилувчи эмас, балки назорат қилувчи органга айланиб қолмоқда. ҳар бир уюшма фаолиятида фермер хўжаликларини мувофиқлаштириш билан назорат қилишнинг аниқ чегаралари қатъий белгиланиши лозим.

Бундан ташқари, туман вакиллиги, фермерлар бирлашмаси ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳар йили фермерларни аттестациядан ўтказиш амалиёти қўлланилмоқда, аттестациядан ўтиш учун фермерлар бирлашмаси фермер хўжалигининг фаолияти бўйича ёзма ҳулоса беради. Ана шу ҳулосаларга асосан фермер хўжалиги аттестациядан ўтказилади. Ушбу ҳолат фермерлар фаолиятига ноқонуний аралашуш, улар эркинликларини чеклаш ҳисобланади ва қонун томонидан қатъи ман этилган. Аттестацияни ўтказиш тартиби, ташкилий ва бошқа жиҳатлари савияси жуда паст бўлиб, бош мезон сифатида фермернинг ишлаб чиқариш режасини бажаргани ёки бажармаганлиги олинади.

Фермер хўжаликларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи асосий ташкилот Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги ҳисобланади. Ўтказилган сўровлар бугунги кунда мазкур ташкилотнинг фаолиятида бир қанча етишмовчиликлар борлигини кўрсатмоқда.

Сўров ўтказилган фермерларнинг 76,3 фоизи материаллар тақсимлашда вакиллик фаолиятидан қониқсалар, 17,4 фоизи қониқмайдилар. 6,3 фоиз фермерлар эса бу саволга жавоб беришга қийналганлар. Фермерларнинг 85,2 фоизи ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатишда, маслаҳат беришда вакиллик фаолиятини қониқарли, деб ҳисоблайди. 9,7 фоиз фермерлар эса бу соҳада вакиллик фаолиятини қониқарсиз деб ҳисоблайди.

Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги
фаолиятига фермернинг муносабати

(фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Материаллар тақсимлашда			Ҳужжатларни расмийлаштириш ва маслаҳат беришда		
	қони-қарли	қони-қарсиз	жавоб бериш қийин	қони-қарли	қони-қарсиз	жавоб бериш қийин
Тошкент	80,0	18,4	1,6	85,0	11,7	3,3
Хоразм	81,6	13,4	5,0	90,0	8,3	1,7
Фарғона	70,0	13,4	16,6	80,0	6,7	13,3
Андижон	96,8	3,2	-	96,8	-	3,2
Наманган	76,4	14,8	5,8	85,3	2,9	8,8
Сирдарё	74	22	4	90,0	8,0	2,0
Жиззах	56,8	29,5	13,7	68,6	23,6	7,8
Жами	76,3	17,4	6,3	85,2	9,7	5,1

Ҳозирги кунда фермерлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи асосий ташкилот ҳисобланган Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят ва туман вакилликлари фаолияти фермерлар талабига жавоб бермайди. Чунки бу вакилликларнинг асосий вазифаси моддий-техника ресурслари учун ажратилаётган фондларни тақсимлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ташкилотлар мувофиқлаштирувчи эмас, назратчи ташкилотларга айланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам кўпчилик фермерлар туман вакиллиги ярим давлат ташкилот бўлиб, давлат ва туман ҳокимияти топшириқларини бажаради, деб ҳисоблайдилар,

Шу билан биргаликда, уюшманинг туман вакилликларида ишловчи мутахассислар малакаси, билим даражаси ҳам етарли даражада эмас. Фермерлар фақат моддий-техника ресурсларига фонд олиш учун туман вакилликларига аъзо бўладилар. Амалда вакилликлар фермерларнинг муаммоларини ҳал қилиб бера олмайдилар.

Бугунги кунда фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳам етарли даражада эмас. Мелиоратив ҳолати ёмон, унумдорлиги паст ерлардаги

фермер хўжаликларига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тизимини тартибга солиш учун деярли ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаяпти. Ҳозирги кунда фермерлар сифатли маслаҳат ва ахборот олишга муҳтож. Бу тизимни эса бевосита давлат ташаббуси ва мувофиқлаштируви орқалигина амалга ошириш мумкин.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари яхши ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётда мавжуд барча юридик шахслар, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти ҳам давлат томонидан тегишли қонунлар ва қоидалар асосида тартибга солиб турилади. Бу ҳолат, айниқса, қишлоқ хўжалиги тармоғи учун кўпроқ заруратга айланади. Бу зарурат қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги билан белгиланади. Яъни қишлоқ хўжалиги тармоғи маҳсулотлари бозорида нисбатан идеал рақобат вужудга келади. Бир турдаги маҳсулотни жуда кўп сонли ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарганлиги сабабли бозорда вужудга келадиган шу маҳсулот нархини алоҳида олган корхона ўзгартира олмайди.

Одатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ўзгариши унчалик катта бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб эластик нархи эса кўп ҳолларда тез суръатларда ўсади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарасини пасайтиради ёки умуман зарарли қилиб қўяди. Бундай ҳолат ҳеч бир мамлакат манфаатига мос тушмайди. Ушбу сабабларга кўра ҳам давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиб туриш зарурати туғилади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида жуда муҳим бўлган ижтимоий зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг аҳамияти катта. Бу омил ҳам давлат томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши давлат томонидан тартибга солиб турилишини тоқазо этади.

Ҳозирги пайтда дунё давлатлари қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили ўрта ҳисобда 350 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ сафламоқда. Фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга

солиб туришни талаб қиладиган яна бир омил уларнинг даромадлари миқдори билан боғлиқ. Фермер хўжаликлари даромадлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналарга нисбатан орқада қолиш тенденциясига эга. Бу ҳолат фермер хўжалиги маҳсулотларига баҳонинг пасайиб кетмаслигини таъминлаш вазифасини келтириб чиқаради.

Давлат томонидан фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиб туришни талаб қиладиган омиллардан яна бири қишлоқ жойлари иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасининг умумий мамлакат ҳудудлари даражасидан кескин орқада қолиши мумкин эмаслигидир. Ҳар бир давлат учун унинг барча ҳудудлари бир текисда ёки даражада ривожланган бўлиши катта аҳамиятга эга ва шунга интилади. Албатта, бу ҳолатни идеаллаштириш керак эмас. Чунки ҳар бир давлатнинг ривожланган ва нисбатан орқада қолган ҳудудлари бўлади. Лекин уларнинг орасидаги фарқ жуда кескин бўлмаслиги лозим.

Давлатнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини тартибга солиб туриш заруратини туғдирадиган яна бир омил жойларда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳолатдир. Бу ишлар ҳам катта маблағ талаб этади ва шу сабабли ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналари, жумладан фермер хўжаликлари фаолияти давлат томонидан тартибга солиб туришни талаб қилади. Албатта фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиб туриш тўғрисида гап борганда уларнинг фаолиятига давлатнинг бевосита аралашуви ҳақида эмас, балки давлат ўз қўлидаги жуда кучли қурол ва дастаклар билан фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир кўрсатиши (уларнинг фаолиятини тартибга солиб туриш) ҳақида гап бораётганини унитмаслик лозим.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини, жумладан, фермер хўжаликларининг фаолиятини тартибга солиб туриш зарурати маълум органлар бўлишини тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги тармоғи ва ундаги корхоналар фаолияти қуйидаги давлат ва ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тартибга солиниб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мамлакатимизда олиб борилаётган аграр ислохотларга бевосита масъул вазирликдир. Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва барча туманларда ушбу вазирликнинг ҳудудий бўлимлари мавжуд. Вилоят ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг раҳбарлари бир вақтнинг ўзида вилоят ва туман ҳокимларининг биринчи муовинлари ҳисобланишади. Бу ҳолат аграр ислохотларнинг боришида мавжуд қонун ва кўрсатмаларнинг бажарилиш имкониятларини оширади.

Фермер хўжаликларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан амалга оширилади. Албатта, бу уюшма фермерларнинг ихтиёрий уюшмаси бўлиб, асосий мақсади уларга иқтисодий масалаларда (бозордаги маҳсулотнинг у ёки бу турига талаб, уларнинг нархи каби) ахборот беришдир. Фермерларга ахборот бериш йўли билан уларнинг ишлаб чиқаришни нимага йўналтириш керак, қайси маҳсулот турларини экиш мақсадга мувофиқ, етиштирилган маҳсулотни қайси бозорда ва қай вақтда сотиш самарали эканлиги тўғрисида қарор қабул қилишига таъсир этилади. «Ўзмевасабзавот-ҳолдинг» компанияси, «Ўзбекқоракўл», «Ўзбек ипаги», «Ўзбалиқ» каби уюшмалар ҳам дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туришда иштирок этадилар.

Фермер хўжаликлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари асосида фаолият юритади. Тегишли вазирлик ва уюшмалар шу қонунлар асосида қабул қилган ҳужжатлар дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солишда катта аҳамиятга эга. Уларда тегишли қонунлар моддаларининг ечимлари акс эттирилган.

2.3. Фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўналишлари

Ўзбекистон миллий иқтисодий моделининг ўзига хослиги мамлакат ҳудудида ўтказилиши мўлжалланган ва ўтказилаётган аграр ислохотларда янада яққолроқ намоён бўлади. Чунки Ўзбекистоннинг аграр соҳаси ишлаб чиқариш миқдори, аҳоли бандлиги, экспорт қуввати бўйича иқтисодиётнинг йирик соҳаси ҳисобланади. Аҳоли фаровонли ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ривожланиши аграр соҳа ҳолати, унинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шунинг учун аграр сиёсат давлатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Агар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши давлат сиёсатида устивор бўлиб қолса, бу қишлоқни саноатлаштиришнинг бир маромда ривожланишига ва асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга фаол ёрдам беради. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш муаммосини ҳал этмай туриб, бутун иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттириш мумкин эмас.

Аграр ислохотларнинг асосий вазифаси – Ўзбекистонда аграр-саноат мажмуасининг бир маромда тараққий этишини таъминлашдир. Аграр ислохотнинг муҳим вазифаларидан бири эса мамлакатимиз иқтисодиётидаги бандликнинг таркибий тузулишини ўзгартиришдан иборатдир. Ривожланган мамлакатларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5-7 фоизи, бизда эса 40 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалиги билан банд.

Қишлоқ хўжалигида кучли ижтимоий йўналишга асосланган бозорни ривожлантириш учун:

- давлат томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритилиши;
- маҳсулот ишлаб чиқарилувчиларнинг эркин ҳаракат қилиши;
- кучли ижтимоий йўналишга эга бўлган маърифатли бозорни ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари мавжудлиги;
- ишлаб чиқарувчилар орасида кучли ва ҳаққоний рақобат учун шарт-шароит яратилганлиги;

- ишлаб чиқарувчиларнинг тўлалигича мустақил бўлишлари;
- нарх-навонинг бозор шароитида эркин шаклланиши;
- иқтисодий миллий бойликнинг ривожланиши жаҳон бозорининг бир қисми бўлишини амалга ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқ тизимининг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалигининг ҳам асосий манбаи ҳисобланади. Конституциявий қоидаларда аграр иқтисодиёт ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамлангандир.

Қишлоқ хўжалигида бозор хўжалигининг тегишли равишда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш, уларнинг даромадларини муттасил ошириб бориш масалаларини ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши оилавий пудрат асосидаги майда товар хўжалиги фаолиятининг мулк субъекти сифатида шаклланишига шарт-шароит яратди.

Бозор муносабатлари шароитида давлат хусусийлаштириш асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз тасарруфидан чиқаради. Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш асосида мулкдорларга тегишли бўлган хусусий корхоналар вужудга келади. Хусусий корхоналарнинг вужудга келиши ва иқтисодиётда қишлоқ хўжалик мулк субъекти ва сифатида фаолият юритиши қишлоқ туманларида, биринчидан, мулкдорлар синфини вужудга келтиради, иккинчидан, қишлоқ хўжалигида рақобат институтини шакллантирилади, учинчидан, деҳқон хўжаликлари кўринишидаги оилавий мулк субъектларининг хўжалик фаолияти ривожланади, тўртинчидан қишлоқ хўжалик корхоналари босқичма-босқич саноатлашган хусусий корхоналарга айланади, бешинчидан мамлакатда озиқ-овқат саноати ривожланади, олтинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш замон талабларига мослаштирилади, еттинчидан, мулкдорлар синфи ички инвестициядан фойдаланиш даражаси ошиб борган сайин чет эл инвестицияси ҳам қишлоқ хўжалигига тобора кўпроқ жалб қилинади.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини шакллантириш, хўжалик масалаларини бозор иқтисодиёти қонуниятларига мувофиқ ҳал этиш, бу соҳада ижтимоий-иқтисодий ислохотларни Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бозор иқтисодиёти талаблари асосида ишлаб чиқариш механизмини ташкил қилишда Фуқаролик кодекси ҳуқуқ асоси ва манбаси сифатида иштирок этади.

Қишлоқ хўжалик иқтисодиётида мулкӣ муносабатларни шакллантириш асосида хусусий мулкчиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик соҳаси тадбиркорлиги билан боғлиқ масалалар ҳамда тадбиркорлик фаолияти дахлсизлиги ва эркинлигини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган қонунларни қабул қилишда Фуқаролик кодекси тамойилларини эътиборга олиш қишлоқ хўжалигида бозор хўжалиги муносабатларни бозор талабларига мувофиқ ривожлантиришга хизмат қилади. Натижада, бу соҳадаги муаммоларни қонунлар ёки қонуности ҳужжатларида ўрнатилган қоидалар асосида ҳуқуқий ечимлари топилади ёки тартибга солинади.

Бугунги кунда агробизнес тузилмалари бошқаруви томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган асосий муаммолардан бири, тўлов қобилиятини ва интизомини мустаҳкамлаш бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан бу муаммони ўрганиш ва унинг ҳуқуқий ечимларини топиш учун қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг хусусиятлари ва ҳуқуқий тамойиллари асосида амалдаги қонунларни такомиллаштириш хусусида таклиф, тавсия ва ҳулосалар бериш қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини бозор талабларига мувофиқ тараққий этишига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалик соҳасида хусусий мулкчилик тизимини шакллантириш қишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтириш муаммоларини фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганиш асосан: биринчидан, қишлоқдаги ишсизлик муаммосини бартараф этиш билан узвий боғлиқлиги, иккинчидан қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг асосий шартларидан бири эжканлиги, учинчидан, қишлоқ хўжалигида тузиладиган

шартномаларнинг бажарилиши билан бевосита боғлиқлиги, тўртинчидан, агробизнес тузилмаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ масалалар, бешинчидан, агробизнес тузилмаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи билан боғлиқ баҳолаш тизимида камчиликларнинг мавжудлиги, олтинчидан, моддий техника таъминоти талб даражасида эмаслиги, еттинчидан, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти табиат билан бевосита боғлиқлиги ва мавсумий характерга эга эканлиги, қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган солиқ тизимида алоҳида ўзгартиришлар киритиш зарурлиги, тўққизинчидан тўлов интизомини мустаҳкамлаш долзарб масала эканлиги, ўнинчидан қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ҳисоб-китоб масалалари бозор талабларига мос равишда ташкил қилинмаётганлигининг сабаблари ва ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш заруриятидан келиб чиқади.

Қишлоқ хўжалигида юзага келувчи турли ҳуқуқий муаммоларнинг мавжудлиги деҳқон ва фермер хўжалигини бошқарувчи шахсларни ҳуқуқий билимларини замон талаби даражасига кўтаришни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос ҳуқуқий манбалари ишлаб чиқилди ва бозор муносабатларининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қишлоқ хўжалик иқтисодиётини тартибга солувчи қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларини такомиллаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, бу соҳада хусусий мулк шаклларида деҳқон-фермер хўжаликларини шакллантириш, деҳқон-фермер хўжаликларини моддий техника таъминотини бозор иқтисодиёти талаблари асосида яратиш, уларни замонавий кичик техника ва технология билан қуроллантириш ҳамда янги ташкил бўлаётган деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш учун бошланғич сармоя билан таъминлаш каби масалалар бугунги кунда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохотларнинг асосий мақсади, эл-юрт дастурхони маъмурчилигини таъминлаш, аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга йўналтирилганлигидир.

Республикамизда қишлоқ хўжалик, фуқаролик ва молия муносабатларини тартибга солиш ҳуқуқий меъёрларни қабул қилишда бозор иқтисодиётининг мазмуни, моҳияти ўз ифодасини топиши лозим. Бу масала ҳуқуқий жиҳатдан ўз ечимини топгандагина жамиятда иқтисодиётни бошқариш моддий манфаатдорлик асосида ривожланишига асос бўлади.

Давлат томонидан белгиланган устивор йўналишларга кўра, қишлоқ хўжалигида мулкдорлар синфини вужудга келтиришни ҳуқуқий манбалари яратилганлиги боис, соҳада ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий қонунлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилмоқда. Бу эса ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган деҳқон, фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлашни назарда тутган давлат дастурларини қабул қилишни тақозо этмоқда. Бозор хўжалиги субъектлар ҳисобланган деҳқон-фермер хўжаликларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари бозор талабларига мувофиқ шакллантирилмас экан, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар кутилган натижаларни бермаслиги мумкин.

Республикамизда давлат билан мулкдорлар ўртасидаги мулк муносабатларни шартномалар асосида тартибга солишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилган, аммо, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат буюртмаси асосида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш хусусидаги ишлаб чиқариш муносабатларини молиялаштиришнинг ҳуқуқий механизми бозор талабларига мувофиқ ишлаб чиқилмаган.

Фермер хўжаликлари томонидан давлат буюртмасидан ортиқча маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва уларни ташқи бозорда сотишнинг ҳуқуқий ечимларини ишлаб чиқилиши лозим. Чунки, давлат томонидан ташқи иқтисодий фаолият субъекти сифатида деҳқон, фермер

хўжаликларига фаолият юритишнинг ҳуқуқий механизми бозор иқтисодиётига хос равишда такомиллаштирилмаса уларнинг молиявий ҳолати мустаҳкамланиши мураккаблигича қолаверади.

Юқорида такидлаганимиздек фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат бевосита аралашмайди. Фермер хўжаликлари ўзларининг фаолияти йўналишлари, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини ўзлари мустақил белгилайдилар. Уларнинг фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларининг аралашувига қонун бўйича йўл қўйилмайди. Ҳар бир фермер хўжаликлари барча хўжалик фаолияти учун ўзлари жавобгардирлар. Давлат фермер хўжаликларининг бошқа юридик шахслар билан тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият юритишини кафолатлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа турдаги корхоналар сингари фермер хўжаликлари фаолиятига давлат иқтисодий сиёсат орқали турли дастаклар ёрдамида аралашади. Булардан биринчиси – солиқ сиёсати орқали фермер хўжаликлари фаолияти тартибга солиб турилади. Давлат фермер хўжаликлари фаолиятига мамлакатда мавжуд пул кредит сиёсати орқали ҳам таъсир этади. Фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиш жараёнида ҳам иштирок этиши мумкин. Фермер хўжаликлари маҳсулотини харид қилувчи давлат ташкилотлари билан шартнома тузган ҳолларда давлатнинг иштироки яққол кўринади.

Бу жараёнда, биринчидан, давлат томонидан фермер хўжаликлари маҳсулотларига талаб шакллантирилади, иккинчидан, маҳсулотлар нархи тушиб кетмаслиги таъминланади. Бу эса фермер хўжаликлари даромади камайиб кетишининг олдини олади. Давлат қонунда белгиланган тартибда фермер хўжаликларига берилган ернинг ҳолатини назорат қилиб боради.

Давлат томонидан фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиб туришнинг меъёри ҳақида гап борганда фермер хўжаликлари нима етиштиради, қанча етиштиради, кимга сотади ва бошқа кўплаб масалаларни тўғридан тўғри хал қилиши назарда тутилмайди. Балки давлат фермер

хўжаликлари ўз фаолиятларини нормал олиб бориши учун муҳит яратишни кўзда тутилади.

Фермер хўжаликлари қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Юқорида қайд этганимиздек, энг аввало уларнинг қонуний ҳуқуқлари давлат томонидан қафолатланади. Бундан ташқари фермер хўжаликлари бевосита қуйидагилар ёрдамида қўллаб-қувватланади:

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида уни бирламчи ободонлаштиришни (йўллар, электр узатиш, ва алоқа линиялари қуришни, сув билан таъминлашни, газлаштиришни, телефонлаштиришни, радиолаштиришни, ер тузишни, ерларни мелиорациялашни) амалга оширади;

- уларга ишлаб чиқариш объектлари ва тураржойларни барпо этишда ёрдам кўрсатади;

- фермер хўжалиги учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан олишда кўмаклашади;

- навли уруғ ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини, органик ва минерал ўғитларни, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат тегишли агротехник хизмат кўрсатиш тизимлари орқали техникавий хизмат кўрсатади;

- қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашади;

- чорва моллар ва паррандалар боқиш учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратиш, ёш чорва моллар ва паррандалар, зотдор қорамоллар олишда кўмаклашади;

- чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар

- яратиб беради;

- етиштирган маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишда кўмаклашади;

- консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатади.

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, посёлка, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари фермер хўжаликлари Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида берилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар. Жумладан, улар фаолиятининг дастлабки икки йилида солиқ олинмайди. Республика банк тизими уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ташкил этилган ва ҳ.з.

Фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш жараёни доимо такомиллаштирилиб борилади. Ҳозирги даврда бу борадаги энг асосий масалаларга:

- фермерларнинг билими ва тажрибасини ошириш;
- уларнинг даромадларининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик;
- уларни илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;
- маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш;
- уларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш;
- қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;
- ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик кабилар киради.

Ушбу тадбирлар фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиб туришнинг ва ўз фаолиятларини нормал олиб бориши учун ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муҳит яратиши кўзда тутади.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислохотларда ерга нисбатан мулкчиликнинг ижара шакллари, шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш, турли ташкилий ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритиш субъектлари сақлаб қолинган ҳолда фермер хўжаликларини риволантириш муҳим йўналиш этиб белгиланди.

Шуниндек, фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг истиқбол йўналишлари – қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, маҳсулот диверсификациясини ошириш орқали тармоқнинг бозо ўзгаришларига мослашувчанлигига ва рақобат муҳитига қулай имконият яратиш, пировардда яқуний даромадни кўпайтириш ва ишлаб чиқарувчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш кўзда тутади.

Ўтган қисқа давр ичида республика фермер хўжаликлари айрим жиҳатларга кўра бошқа тоифадаги қишлоқ хўжалиги ташкилий субъектларига нисбатан ўзининг афзалликлигini кўрсатди.

Фермер хўжаликларининг ривожланиши авваламбор уларнинг ялпи хўжалик юритувчи субъектлар ҳажмидаги сонининг ортишига олиб келди. Жумладан, фермер хўжаликлари сони 1992 йилда 6,0 мингга ташкил этган бўлса, 2008 йилда 189,0 мингдан ортиб кетди. Уларга ижарага берилган ер майдонлари 1992 йилда 45,0 минг гектардан 2008 йилда 5 млн. гектарга етди. Айн пайтда, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 83 фоизи пахта ва ғалла етиштиришга, 7 фоизи чорвачиликка, 10 фоизи мева ва сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бу мамлакатнинг агроиклимий шарт-шароити ва салоҳиятига мосдир. Республикада ишлаб чиқарилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 55 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келди.

Собиқ ширкат хўжаликларига нисбатан фермер хўжаликларида пахта етиштириш учун сарфланган ёқилғи-мойлаш материаллари сарфи бир гектар пахта майдонига 28 кг га, минерал ўғитлар сарфи эса 42 кг га камайгани ҳолда, ҳар бир гектардан олинган ғалла ҳосилдорлиги ўртача 6 центнерга, пахта ҳосилдорлиги эса 5 центнерга кўпайган.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари фаолиятида бир қатор имтиёзлар яратилган, жумладан:

- фермер хўжаликлари ўрнига ташкил этилган боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг 5 йилнинг давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод этилганлиги;

- фермер хўжаликлари фаолиятини ҳукумат тузилмаси таркибида фаолият кўрсатувчи Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз текшириш таъқиқланганлиги ва текширишларнинг Кенгаш рухсати билан 4 йилда бир маротаба ўтказилиши;

- янгидан фаолиятни бошлаган фермер хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя ажратилиши;

- фаолиятида хорижий технологияларни қўллаган фермер хўжаликларининг божхона тўловларидан озод қилинганлиги;

- мева-сабзавот маҳсулотлари ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни имтиёзли тартибда экспорт қилишга рухсат берилганлиги;

- фермер хўжалиги тегишли лойиҳада назарда тутилган ерни ўз ҳисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин беш йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона солиғи тўлашдан озод қилинганлиги ва бошқалар.

Тажриба ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликларининг сони кўпайиши билан бир вақтда, улар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ муаммолар ва камчиликлар ҳам намоён бўлиб бормоқда.

Фермерларнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хўжалик юритишнинг соҳасида, шунингдек, ҳуқуқий, иқтисодий билим ва малакаларининг етишмаслиги улар иш юритишларида қийинчилик туғдирмоқда. Жумладан, айрим фермер хўжаликларида ер ресурсларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ер участкасидан оқилона фойдаланмаслик, банк, таъминот ва тайёрлов корхоналари билан хўжалик муносабатларида фермерлар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бу каби муаммоларнинг ечимида фермер хўжалиги фаолиятида шартномавий муносабатларни йўлга қуйиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, фермер хўжалиги ўз фаолиятида зарур бўлган маҳсулот ёки хизматларни четдан сотиб олади ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни бошқа корхона ҳамда ташкилотларга сотади. Бу жараёнлар, албатта, икки томоннинг ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосидаги келишуви, яъни шартномалар

орқали тартибга солинади. Фермер хўжалигининг бошқа ташкилот ва корхоналар билан бўладиган ўзаро муносабатларида фойда ёки зарар кўриши айнан ўзаро шартноманинг тўғри тузилишига ва ундаги ҳуқуқларини тўғри талаб қилиб, зиммасидаги мажбуриятларни сўзсиз бажаришига боғлиқ.. Бугунги кунда, фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ишлаш малакаси етарли эмаслиги ва бунинг натижасида кўп ҳолларда зарар кўраётганликлари маълум бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, фермер хўжалиги фаолиятида шартномавий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликлари манфаатларини тўлалигича ҳимоя қилади. Бу эса фермерларни иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий билимларини ошириш вқа берилган имкониятларидан тўла фойдаланишларини тақозо этади.

Фермер хўжаликлари фаолияти давомида дуч келанадиган энг катта муаммолардан бири- уларда етарли миқдорда маблағ мавжуд эмаслигидир. БУ муаммони ҳал қилиш йўлларида бири кредитдир. Кредит катта миқдордаги ресурсларни жалб қилиш имконини бериши, фоизларнинг камлиги, муддатининг узокчилиги каби ижобий томонлари билан бирга гаров ёки кафолат топиш муамоси, олишнинг қийинлиги, кредит муносабатларини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларнинг кўплиги ва баъзи ҳолларда фермерлар учун тушунарсизлиги каби салбий томонларга ҳам эга.

Шунинг учун фермер хўжаликлари малакаларини мунтазам ошириб бориш, уларни соҳалар бўйича янгиликлар билан таништириш, чет эл тажрибаларини кўрсатиш бизнинг асосий ва кечиктириб бўлмас вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Шу жиҳатдан, фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш жараёни доимо такомиллаштирилаб борилмоқда. Ҳозирги даврда бу борадаги энг асосий масалаларга:

- фермерларнинг билими ва тажрибасини ошириш;
- уларнинг даромадларининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик;

- уларни илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

- маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш;

- уларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш;

- қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;

- ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик кабилар киради.

Ушбу шарт-шароитлар фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга тартибга солишга туришнинг ва ўз фаолиятларини самарали олиб бориши учун ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муҳит яратишни кўзда тутди.

3-боб. Фермер хўжаликларида молиявий бошқаришни такомиллаштириш

3.1. Фермер хўжаликларида молиявий режалаштиришни ташкил этиш.

Фермер хўжалиги фаолиятини молиявий менежментига таянган ҳолда ташкил этишда молиявий режалаштириш марказий урин эгаллайди. Молиявий режалаштириш умумий бизнес-режа доирасида амалга оширилади ва унинг молиявий жихатидан асосланган бўлишини ҳамда ижро этилиши молиявий назорат қилиб борилишини таъминлайди. Бундан ташқари молиявий режалаштириш молиявий назоратнинг изчиллиги ва узлуксизлигини, таъсирчанлиги ва самаралилигини таъминлашнинг энг муҳим шартидир.

Молиявий режа молиявий мақсадларга эришилиш усуллариини характерловчи ҳужжат бўлиб, унинг даромадлари ва харажатларини бири-бири билан боғлайди. Молиявий режалаштириш жараёнида:

- а) хўжаликнинг молиявий мақсадлари ва асосий мўлжаллар аниқлаб олинади;
- б) бу мақсадларнинг хўжаликнинг жорий молиявий аҳволи нуқтаи назаридан реаллиги аниқланади;
- в) мақсадларга эришишнинг молиявий чоралари белгилаб олинади.

Молиявий режа узоқ муддати ва қисқа муддатга тузилиши мумкин. Узоқ муддатли режа корхонанинг анча узоқ келажагидаги мақсадларига эришилиш воситаси бўлиши бирга, бу мақсадлар томон ҳаракатни назорат қилишга имкон беради. Қисқа муддатли режаларнинг асосий мақсади корхонанинг тўлов қобилиятини узлуксиз равишда таъминлаб туришдир. Қисқа муддатли режа бажарилиши таҳлили ва назорати айна пайтда корхонанинг жорий молиявий аҳволи таҳлили ва назорати ҳамдир.

Молиявий режалаштириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- хўжаликнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш;
- прогноз смета ва бюджет тузиш;
- хўжаликнинг молиявий ресурсларга бўлган умумий эҳтиёжини аниқлаш;
- молия манбаларини прогнозлаш;
- назорат ва бошқаришнинг таъсирчан тизимини яратиш ва қувватлаб туриш;
- режага ўзгаришлар киритилиш тартибини ишлаб чиқиш.

Молия назарияси ва молиявий амалиёт молиявий режанинг камида 3 варианти ишлаб чиқилиши мақадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда: пессимистик, энг эҳтимолли ва оптимистик. Режани ишлаб чиқишда қуйидагиларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим:

а) хўжалик дуч келаётган чекловлар (атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари, бозорнинг маҳсулот ҳажми, таркиби ва сифати бўйича талаблари хўжаликнинг техника, технология ва кадрлар билан таъминланганлиги);

б) молиявий менежмент учун режанинг назорат қилувчи ва интизомга солувчилик роли;

в) глобал ва локал миқёсларда иқтисодий вазият табиий равишда эҳтимолий эканлиги туфайли ҳар қандай режанинг шартлилиги.

Демак, молиявий режа хўжалик умумий бизнес режасининг таркибий қисмидир. Молиявий менежмент ва молиявий назорат бизнес режанинг фақат молиявий режа қисмига дахлдор бўлмасдан, балки унинг барча қисмларини тузишдан ва ижро этилишида муҳим ўрин эгаллайди. Умуман олиб қараганимизда бизнес режа хўжаликнинг бутун фаолияти, шу жумладан молиявий фаолияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундай ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги чекланган молиявий ва моддий ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига олиб келади, корхона жамоаси куч-гайратини энг истикболли вазифаларини бажариш учун жамлашга имкон бермайди, таъсирчан назоратни йўлга қуйишда катта қийинчиликлар вужудга келади,

чунки ҳақиқий аҳволни хўжаликнинг реал имикониятлари билан таққослашга хизмат қиладиган ҳужжат мавжуд эмас.

Фермер хўжалиги ўзининг фаолият соҳасидаги ишлар билан шуғулланади. Унинг фаолият соҳасига қуйидаги ишлар киради:

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш.
2. Етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш.
3. Бозорларда ва ўзининг савдо шохобчаларида маҳсулотларни сотиш.
4. Тижорат фаолияти билан шуғулланиш
5. Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш
6. Пуллик хизматлар кўрсатиш.
7. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.
8. Қонун томонидан манъ этилмаган бошқа ишларни амалга ошириш.

Фермер хўжалиги ҳам хўжалик юритишнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан деярли бир хил ҳуқуқларга эгадир. Фермер хўжалиги уставда назарда тутилган доирада ва ижара шартномасида белгиланган ихтисослашувга мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида мустақил ташкил этиши, ўзи етиштирган маҳсулотларни сотиш юзасидан юридик вожисмоний шахслар билан, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун сотиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик шартномаларини тузиши мумкин. У харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Фермер хўжалигининг яна қуйидаги ҳуқуқлари бор:

- ўзи етиштирган маҳсулотларга эгалик қилиш, шу жумладан уларни у ўзи хоҳлаган истеъмолчиларга сотиш, етиштирилаётган маҳсулотларга ва хизмат турларига мустақил равишда нарх белгилаш;

- қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш;

- хизматлар кўрсатиш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

- тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш, олинган даромаддан ўз ихтиёрига кўра мустақил равишда фойдаланиш;

- банк ҳисоб рақамларидаги ўз маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш, кредитлар олиш;

- бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартларига мувофиқ жалб қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

- кредит олиш учун ер участкасидан фойдаланишни ижарага бериш ҳуқуқин ива етиштирилган маҳсулотни гаровга қўйиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузиоган шартномаларни бекор қилиш;

- зарур асбоб-ускуналар, ишлаб иқариш воситаларини сотиб олиш, бино ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш, шунингдек улардан мустақил равишда фойдаланиш, ихтиёрий равишда бирлашиш, шу жумладан улушлар (пайлар) асосида бирлашиш, жамиятлар, иттифоқлар, уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ўз фаолиятининг ҳар қандай масалалари бўйича судга мурожаат қилиш.

Фермер хўжаликлари ушбу ҳуқуқлар билан биргаликда маълум даражадаги мажбуриятларга ҳам эгадирлар. Уларнинг мажбуриятлари юридик ва ижтимоий кўринишларда бўлади. Фермер хўжаликларнинг юридик мажбуриятлари қуйидагилардан иборатдир:

- ер участкасидан ижара шартномасида белгиланган мақсад ва шартларда мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

- экология талабларига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер участкасининг унумдорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- бизнес-режаларда ушбу мақсадлар учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш, ер участкасидан, башарти ижара шартномасида бошқа муддат белгиланмаган бўлмаса, бир йил мобайнида фойдаланиш;

- пахта ва ғаллани навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилиш;

- сувдан лимит асосида фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш, хўжалик ички мелиорация тармоғини тозалаш ва таъмирлаш;

- фермер хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўлиқ жавоб бериш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш;

- етказиб берилган электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материاللари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари, кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларива бошқа маҳсулотлар етиштиришда стандартлар талабларига риоя қилиш, қишлоқ хўжалиги зарарқунандаларига ва касалликларга қарши кураш олиб бориш.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли бўлган мол-мулки доирасида бошқарув ишларини олиб боради, ташкил этишни амалга оширади. Фермер хўжалигининг мол-мулкини қуйидагилар ташкил этади:

1. Ўзига қарашли хўжалик иморатлари.
2. Қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари.
3. Ўз участкасидаги дарахтлар.
4. Маҳсулдор чорва моллари.
5. Паррандалар.
6. Қишлоқ хўжалиги техникаси.
7. Инвентарь, асбоб-ускуналар.
8. Транспорт воситалари.
9. Пул маблағлари.

10. Интеллектуал мулк объектлари.

11. Фермер хўжалиги балансида бўлган бошқа мол-мулк, ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотлар.

12. Олинган даромад (фойда).

Фермер хўжаликларининг мол-мулклари товарлар ва хизматларни сотишдан, ишларни бажаришдан, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромад, қимматли қоғозлардан олинган даромадлар, юридик ва беғараз шахсларнинг беғараз хайрия ва бошқа бадаллари, эҳсонлари, қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалардан иборатдир.

Фермер хўжалигининг мол-мулки унинг ўзига тегишлидир. У қонунга мувофиқ равишда ушбу мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Фермер хўжаликларини қайтадан ташкил қилиш ва тугатиш тартиблари ҳам уларнинг уставларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

- ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

- хўжалик фаолиятини двом эттириш истагида бўлган меросхўр бўлмаганда;

- фермер хўжалиги банкрот деб топилганда;

- электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари етказиб берувчилар ва хизматлар кўрсатувчилар билан мутазам равишда, камида уч йил ўз вақтида тўлиқ ҳажмда ҳисоб-китоб қилмаганда;

- ер участкасини давлат эҳтиёжлари ва бошқа жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш зарур бўлган ёхуд ер тўғрисидаги қонунлар фермер хўжалиги томонидан бузилган тақдирда ер участкасининг ижара шартномаси белгиланган тартибда бекор қиоинганда;

- фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан мақсадсиз фойдаланилганда, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун контракция шартномасида назарда тутилмаган экинлар экилганда тугатилади.

Ҳар қандай фермер хўжалиги узоқ вақт яшаб қолишга ҳаракат қилади. Аммо, ҳаёт қонуни шундайки, баъзи бировлар узоқ вақт яшаб қолса, бошқалар кўп вақт фаолият юритмасдан туриб, ўз фаолиятини юқоридаги шартлардан биронтасини бузиш ҳисобига тез орада ўз фаолиятини тугатади.

Фермерлар ер участкасини олиш масаласида «Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низом»га амал қиладилар. Бу Низом 2003 йил 30-октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорига мувофиқ равишда қабул қилинган. Ушбу Низомда фермер хўжаликларига ер бериш, ер участкаларини бериш, бериладиган ер участкаларининг фермер хўжалиги йўналиши бўйича миқдорлари, ер участкасини бериш тартиби ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш тартиби белгиланган.

Низомда белгиланишича, ер участкалари фермер хўжаликларига танлов асосида ижарага берилади. Ижара муддати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиб, қонунларда ижаранинг узоқ муддати 50 йилгача, деб кўрсатилган.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш соҳасида ва уларда иш юритиш жараёнида қуйидаги камчиликлар мавжуддир:

1. Фермер хўжаликларида уларнинг ўзларига ажратилган ердан ва бошқа иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражаси ҳозирча паст бўлиб қолмоқда. Уларга ажратилган ернинг ҳар бир бирлигилан юқори даражада маҳсулотлар олиш ва бунда ривожланган давлатлардаги фермер хўжаликларида тўпланган тажрибани кенг ўрганиш ва ўзимизда уни самарали равишда қўллаш асосида фермер хўжаликларининг муваффақиятли фаолиятини йўлга қўйиш мумкин.

2. Фермер хўжаликларига ажратилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлигини оширишга эришиш ва кейинги йилларда ҳам бу

мутаносибликни таъминлаш лозим. Бу масала бугунги кунда ниҳоятда долзарб ҳисобланади ва унинг ечими мамлакатда фермерлик ҳаракатининг самарасини белгилайди ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлайди.

3. Фермер хўжаликларининг аксарияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланадилар. Уларни қайта ишлаш ва сифатли равишда сақлаш ишлари баъзи бир фермер хўжаликларида амалга оширилган. Фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш орқали уларни четга экспорт қилиш ҳажмини ортириш мумкин. Шу билан биргаликда, бу усул орқали фермер хўжаликларида етиштирилган хом ашёни сотиш эмас, балки уни тайёр маҳсулот кўринишига келтириб сотиш масаласи ҳал қилинади ҳамда бу ишни амалга ошириш давомида аҳолининг вақтинча ишсиз турган қисми иш билан таъминланади, аҳолининг бандлик даражасини ортиришга эришилади.

4. Фермер хўжаликларида турли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйилмаган. Нисбатан бақувватроқ бўлган фермер хўжалиги ўзининг техникаси билан, юқори тажрибали мутахассислари билан ва иш тажрибаси билан бошқа фермерларга, деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиши мумкин. Бу йўл орқали улар ўзларининг молиявий аҳволларини янада яхшилаб олиш билан биргаликда, бошқа деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳам самарали фаолиятига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

5. Фермер хўжаликларида ишларни ташкил этиш даражаси ҳозирги вақтда паст даражада бўлиб қолмоқда. Масалан, меҳнатни ташкил этишда унинг унумдорлигини оширишга олиб боровчи йўналишлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Меҳнатни ташкил қилишда меҳнат тақсимотини янада чуқурлаштириш, самарали иш бажариш усуллари яратиш ва кенг оммалаштириш, иш жойларини оқилона равишда ташкил қилиш, иш юритиш вақтида назоратдан ва рағбатлантириш функцияларидан самарали равишда фойдаланиш катта аҳамият касб этади ва фермер хўжаликларидаги муваффақиятли фаолиятни таъминлайди.

Қуйида Тўрақўрғон туманидаги «Шаҳидон боғу-бўстон» фермер хўжалигининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қиламиз. Ушбу фермер хўжалиги 2005 йилда ташкил топган.

4-жадвал

«Шаҳидон боғу-бўстон » фермер хўжалиги томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар тўғрисида маълумот

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2008 йилга нисбатан, %
1	Жами ер майдони	га	63,3	63,5	64,3	101,2
2	Шундан экин ери	га	63,3	63,5	64,3	101,2
3	Шундан: пахта	га	38,3	28,3	28,3	100
4	Ғалла	га	25,0	35,2	36,0	101,3
Ҳосилдорлик кўрсаткичлари						
5	Пахтадан	ц/га	24,0	23,5	23,7	100,8
6	Ғалладан	ц/га	42,8	44,0	45,8	104,0
Етиштирилган маҳсулот ҳажми						
7	Пахта	тонна	95	66,6	67,9	102,7
8	Ғалла	тонна	107	155	165	106,5
Маҳсулот етиштириш ҳажмининг бажарилиши						
9	Пахта	%	109,5	100,2	101	
10	Ғалла	%	103,4	103,8	104,1	
Давлат эҳтиёжларига маҳсулот сотиш ҳажми						
11	Пахта	тонна	95	66,6	67,9	102,7
12	Ғалла	тонна	70,2	96,4	102,2	106

Изоҳ: Фермер хўжалиги маълумотлари асосида тайёрланди

«Шаҳидон боғу-бўстон» фермер хўжалиги 2005-2009 йилларда ўз фаолиятини самарали тарзда олиб борапти. Бунинг 4-жадвал маълумотлари ҳам кўриш мумкин. 2005 йили 50,6 гектар ер майдонига эга бўлган ушбу фермер хўжалиги 2009 йили ўз ер майдонини 29,5 фоизга

кўпайтирди ёки унинг ер майдони 2009 йили 64,3 гектарни ташкил қилди. Ер майдонининг ўсиши ғалла экиладиган ерларнинг ортишига олиб келди. Пахта экиладиган ер майдони 2008 йили 2009 йилларда ўзгармади, лекин 2007 йилдагидан 10 гектар камайди. Бу ер майдонидан олинган пахта ҳосили 2009 йили гектаридан 23,7 центнерни ташкил этиб, жами 67,9 тонна пахта етиштирилди ёки ўтган 2008 йилга нисбатан олганда етиштирилган пахта ҳосили 102,7 фоизни ташкил этди.

Ғалла экиладиган майдон 2007 йили 25 гектарни ташкил этган бўлса, 2009 йили 36 гектарга оширилди. Бу майдондан олинган ғалла ҳосилдорлиги 45,8 центнерни ташкил этиб, жами ҳосил 165,2 тоннага етди ёки 2008 йилга нисбатан 101,2 фоизни ташкил қилди.

«Шаҳидон боғу-бўстон» фермер хўжалигида етиштирилган маҳсулотни давлатга сотиш ҳажми ҳам ошириб бажарилди. Пахта ҳосили бўйича давлат эҳтиёжлари учун сотиш ҳажми 2007 йилда 95 тоннани ташкил этган бўлса, 2008 йили 66,6 тоннани ва 2009 йилда 67,1 тоннани ташкил этди. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шатнома режалари муттасил бажариб келинмоқда ҳамда ғалланинг салмоқли қисми хўжалик ичида тасарруф этилмоқда. Фермер хўжалигининг бу кўрсаткичлари унинг иқтисодий фаолияти кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатди (5-жадвал).

5-жадвал

«Шаҳидон боғу-бўстон » фермер хўжалигининг иқтисодий фаолияти
кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2009 йилда 2008 йилга нисбатан, %
1	Жами пул даромади	м.сўм	46504	50553	53846	106,5
2	Пахтачиликдан	м.сўм	37156	30091	32629	108,4
3	Ғаллачиликдан	м.сўм	9548	20462	21271	103,9
4	Жами соф фойда	м.сўм	5165	13864	14701	106

5	Пахтачиликдан	м.сўм	3981	9868	10546	106,8
6	Ғаллачиликдан	м.сўм	1184	3996	4155	103,9
7	Рентабеллик даражаси	%	11,1	14,9	16,1	108
8	Пахтачиликдан	%	13,4	16,2	17,1	105,5
9	Ғаллачиликдан	%	12,5	14,8	15,9	101,4
10	1 гектардан олинган даромад	м.сўм	735	796	837	105,1
11	Пахтачиликдан	м.сўм	970	1063	1153	108,4
12	Ғаллачиликдан	м.сўм	374	581	591	101,6
13	1 гектардан олинган соф даромад	м.сўм	82	218	229	104,7
14	Пахтачиликдан	м.сўм	104	349	373	106,8
15	Ғаллачиликдан	м.сўм	47	113	115	101,6
16	Ишчиларнинг йиллик ўртача сони	киши	27	32	35	109,3
17	Ўртача ойлик иш ҳақи	м.сўм	99	136	139	102,3

Изоҳ: Фермер хўжалиги маълумотлари асосида тайёрланди

«Шаҳидон боғу-бўстон» фермер хўжалиги 2007 йили 46504 минг сўмлик даромад қилган бўлса, 2008 йили 50553 минг сўмлик ва 2009 йили 53846 минг сўмлик даромад қилди ёки 2008 йилга қараганда 6 фоиз ўсишга эришилди. Ушбу ўсишнинг асосий қисми пахта ҳисобига амалга ошди. 2009 йили 2008 йилга қараганда пахта етиштиришдан 2538 минг сўм кўпроқ даромад олинди.

«Шаҳидон боғу-бўстон» фермер хўжалиги 2007 йили 5165 минг сўмлик жами соф фойда олган бўлса 2008 йили эса 13864 минг сўмлик ва 2009 йили

14701 минг сўмлик соф фойда олишга муваффақ бўлди. Олинган фойданинг катта қисми пахтачиликка тўғри келди. Пахтачиликдан фермер хўжалиги 2007 йили 3981 минг сўм соф фойда олган бўлса, 2008 йили 9868 минг сўмлик ва 2009 йили 10546 минг сўмлик соф фойда олишга эришилди.

Фермер хўжалиги 2009 йилда 16,1 фоиз рентабелликка эришди. Ўтган 2008 йили рентабеллик 14,9 фоизни ташкил этган бўлиб, 2009 йили 2008 йилга қараганда 8 фоизга ошириб бажарилди. Пахтачилик фаолияти бўйича рентабеллик даражаси 17,1 фоизни ташкил этган бўлса, ғаллачилик бўйича 15,9 фоизни ташкил этди. Ғаллачилик фаолияти бўйича рентабеллик даражаси пахтачиликка нисбатан паст. Айни пайтда ҳар иккала тармоқда ҳам рентабеллик даражаси ортиб бораётган бўлсада, эришилган даража фермер хўжалигининг молиявий барқарор ишлаши ва жадал ривожланиши учун етарли эмас. «Шаҳидон боғу-бўстон» фермер хўжалиги 1 гектар майдондан олинган соф даромаднинг ҳам ўсишига эришди. Агар 2008 йили бу кўрсаткич 218минг сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йили 229 минг сўмни ташкил этди ёки 4,7 фоизга ўсди.

Фермер хўжалигида 2007 йили 27 киши фаолият кўрсатган бўлса 2009 йилга келиб 35 киши фаолият кўрсатди. Бу ишчиларнинг ўртача иш ҳақлари ҳам аста-секинлик билан ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда фермер хўжалигида иқтисодий фаолият самарадорлигини янада ошириш йўлида ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

3.2. Фермер хўжаликларида пул оқимларини бошқариш

Корхонанинг молиявий фаолияти пул фондларини ташкил этиш фойдаланишда ифодаланади. Бу пул фондлари корхона хўжалик фаолиятини олиб бориш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, илмий тадқиқот жараёнини молиялаштириш, иқтисодий рағбатлантириш, янги техника ва технологиялари жорий этиш, бюджет ва банк билан ҳисоб-китобларда ишга солинади.

Корхона молия ресурслари - бу пул даромадлари ва маблағларнинг тушуми бўлиб, хўжалик субъектининг ҳар хил молиявий мажбуриятларини бажариш, харажатларни молиялаш ва иқтисодий рағбатлантириш ишларини олиб бориш учун манбадир.

Корхона пул фондларининг ташкил этилишида қуйидаги жихатлар мавжуд:

1. Корхонанинг ўз маблағларини шакллантириш:

- устав капитали;
- қўшилган капитал;
- резерв капитали;
- жамғармалар фонди;
- мақсадли молиявий маблағлар тушиши;
- бошқалар.

2. Қарз маблағларининг шаклланиши:

- банк кредитлари;
- заёмлар;
- тижорат кредити;
- факторинг;
- лизинг;
- кредитлар ва бошқалар.

3. Қарз шаклига эга бўлмаган ҳолда маблағлар жалб этилиши:

- истеъмол фонди учун ажратилган маблағлар;
- тўланмай турган дивидендлар;
- келгуси давр даромадлари;
- ҳисоб-китобларни ва тўловларни олиб бориш жараёнидаги даромад;

4. Пул фондларининг оператив равишда ишлатилиши:

- иш ҳақи тўловлари;
- дивидендларнинг тўланиши;
- бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар;

- кредит ва қарзларнинг қайтарилиши;
- бошқалар.

5. Корхона молиявий ресурсларини мақсадли равишда йўналтириш:

- айланма маблағларни шакллантириш;
- инвестицион фаолият;
- валюта жамғармалари ва бошқаларни шакллантириш.

Бозор иқтисодиётига ўтишга қадар корхона молиявий ресурсларини ташкил этиш асосан давлат бюджети ҳисобидан олиб борилад эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида корхонанинг молия ресурсларини ташкил этиши ва ундан фойдаланиши тижорат асосида олиб борилади, яъни корхона ресурслари 2 манбадан шаклланади:

1. Корхонанинг ўз маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағлар ҳисобига;
2. Молия бозоридан жалб этиш ҳисобига.

Корхонанинг ўз маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағлар таркибига қуйидагилар киради:

- даромад;
- асосий фаолиятдан олинган фойда;
- бошқа фаолиятдан олинган фойда;
- молиявий операциялардан тушган фойда;
- амортизация ажратмалари;
- барқарор пассивлар;
- мақсадли тушадиган пуллар.

Молия бозоридан ресурслар инвесторлар маблағларини корхонага жалб қилиш, ўзининг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларни сотиш ёки кредит олиш орқали келиб тушади. Бундан ташқари молиявий ресурсларни қайга тақсимлаш натижасида, суғурта компанияси, концерн ва ассоциациядан пул ресурслари, бюджет субсидиялари ва бошқа ресурслар кўринишида ҳам келиб тушади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк кредити ссуда капиталининг ҳаракатланиш шаклидир. Кредит воситасида аҳолининг, корхоналарнинг ва давлатнинг бўш пул маблағлари банк ихтиёрида тўпланади ҳамда муайян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун хўжалик юритиш субъектларига берилади.

Жисмоний кўринишдаги капиталнинг тармоқдан тармоққа ўтиш имкониятлари жуда чекланган. Лекин иқтисодиётда ҳар доим иқтисодий ресурсларни. энг аввало, капитални тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркибий қисми бўлган банк кредити адо этади.

Банк кредити воситасида молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва корхоналар ўртасида бозор механизмларида тақсимланади. Кредитни белгиланган муддат давомида қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик учун муайян ҳақ тўлаш зарурлиги кредитга олинган маблағлардан улар юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдаланишга мажбур этади. Шундай қилиб, кредит иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш, уни ижтимоий эҳтиёжлар таркибига мослаштириш иқтисодий самарадорлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Банк кредитининг муҳим вазифаларидан бири ишлаб корхоналар маблағларининг доиравий айланиши узлуксизлигини таъминлаш бўлиб, бу асосан қисқа муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади. қисқа муддатли кредит корхона ишлаб чиқариш захираларини тўлдиришга, товар моддий бойликлари сотиб олишга, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш жараёнида вужудга келган маблағларнинг вақтинча етишмовчилигини тўлдиришга ва бошқа шу каби мақсадларга йўналтирилади.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигига, унинг мутаносиблигига, талаб билан таклифнинг мувофиқлигига, ҳисоб-китоб механизмига, пулнинг айланиши ва унинг кадрсизланишига таъсир кўрсатаётган муҳим иқтисодий ҳодисалардан бири ўзаро қарзлардир.

Ўзаро қарзлар муаммоси бугун пайдо бўлган эмас. Ўзаро қарзлар, яъни корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қандайдир маънода унинг ривожланишини характерласа, иккинчи томондан, унинг хаддан ташқари кўпайиб бориши молиявий қийинчиликлар вужудга келаётганидан далолат беради.

Дебиторлик қарзи бошқаларга товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш шартномаларига мувофиқ вужудга келадиган вақтинчалик характердаги қарз бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидан чиқиб қолган ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларда турган ва уларнинг вақтинчалик тўловга қобилиятсизлиги туфайли қайтмай турган маблағлардир. Корхонанинг ўз маблағлари, банк кредити ва бошқа корхоналар маблағлари бу қарзларни қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик фаолияти жараёнида бошқа қарзлар сингари тугалланмаган ҳисоб-китоблар бўйича нормал кредиторлик қарзлари ҳам объектив қолда вужудга келади.

Кредиторлик қарзлари деганда, бошқа хўжалик субъектларидан турли йўллар билан вақтинча жалб этилган маблағлар тушунилади. Улардан корхона ўз ишлаб чиқариш айланмасида вақтинча фойдаланади. Тўлов муддати келганда, бу кредиторлик қарзлари айланма маблағлар суммасидан чегириб берилади ва шу суммага корхонанинг бошқа жисмоний ва юридик шахслар олдидаги мажбуриятлари камаяди.

Демак, ўзаро қарзлар амалда пул ва моддий маблағларнинг корхона оборотидан чиқиб кетиши ҳисобига пайдо бўлади ва уларни камайтириш пул ва моддий маблағларнинг корхона оборотига қайтиб келиши ёки уларнинг қайта баҳоланиши эвазига амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўсиб бориш тенденцияси характеридаги ўзаро қарзларни, яъни дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш муаммоси муҳим макроиқтисодий аҳамиятга эгадир. Чунки ўзаро, айниқса, муддати ўтган дебиторлик қарзларининг ошиб бориши хўжалик субъектларининг молиявий қийинчиликлар туғдириши, хўжалик

субъекти айланма маблағларнинг маълум бир муддатга ўз ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидан чиқиб кетиши ва ҳаракатсиз туриб қолишига сабаб бўлади. Натижада, корхоналарнинг бошқа ҳамкорлари билан бўлган шартномавий мажбуриятларини, шунингдек бюджетдан, банкдан ва бошқалар олдидаги мажбуриятларини бажара олмай қолишига олиб келади.

Кредиторлик қарзлари занжирли тарзда ортиб бориб, корхонани молиявий, ҳатто, иқтисодий инқирозга олиб келади. Тўловларни ўз вақтида бажарилиши мазкур тўловни амалга оширувчи корхонанинг, шунингдек, таъминотчи корхоналарнинг узлуксиз ишлашини таъмин-лайди. Шу билан бирга, уларнинг банкдан олган кредит қарзини ўз вақтида қайтариш мажбуриятини бажаришидан иқтисодий манфаатдор бўлган банк тизимининг ҳам узлуксиз, бир маромда ишлашини таъминлайди.

Корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган: ўзаро қарзларини тугатиш тўлов интизомини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим ҳисобланади. Пуллик ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши ва эгасига етиб бориши хўжаликлар айланма маблағларининг доимий ишлаб чиқариш оборотида бўлиши уларнинг узлуксизлигига ва бу ўз навбатида, халқ хўжалигида пул-кредит муносабатлари барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзаро қарзларнинг ўсиб бориши хўжалик субъектларининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ўз вақтида тўлай олмаслиги иқтисодий қийинчиликлар билан бир қаторда турли ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бу эса аҳоли ижтимоий турмуш даражасига кескин таъсир этади. Яъни микро даражадаги корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ошиб бориши макроиқтисодий номутаносибликни келтириб чиқаради. Бу номутаносиблик ҳисоб-китобларнинг кечикишида, нотўловлар муаммосида, тўланмаган иш ҳақининг ортиб боришида, корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий ривожланишига маблэғ ажратишнинг камайиб боришида яққол намоён бўлади. Бу муаммо корхоналар фаолиятига ҳам ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигига ҳам, бутун молиявий тизим ривожланишига ҳам салбий

таъсир этади. Шунинг учун ҳам уни ҳал қилишга барча молия институтлари, вазирлик ва идоралар иштирок этиши лозим.

Мамлакатимизда ўзаро қарзлар муаммосига макроиктисодий нуқтаи назардан ёндашилиб, улар ҳукумат даражасида ҳал қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Мәҳкамасининг қатор қарорларига мувофиқ, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг пайдо бўлишига вазирлик, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар рақбарлари билан бир қаторда, банклар раҳбарлари ҳам жавобгар экани белгилаб қўйилди.

Корхона ва ташкилотлар учун бозор соҳасида фаолият кўрсатишнинг зарур шарти - ҳисоб-китоб ва молия интизомига қатъий амал қилишдир. Ҳўжалик субъектларининг ўзаро ҳисоб-китоблар товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан тузилган икки томонлама шартномаларга мувофиқ, белгиланган муддатларда бажарилиши лозим. Шартнома мажбуриятларининг бузилиши ўзаро муддати ўтган қарзлар занжирини вужудга келтириб ҳамкорларнинг молиявий қийинчиликларга дуч келишига ва шу туфайли ишлаб чиқаришда узилишлар бўлишига олиб келади.

Ўзаро қарзларнинг ҳар қандай кўпайиши қам корхона молиявий аҳволининг ёмонлашуви бўлавермайди. Чунки ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг ўсиши билан боғлиқ равишда шу даврда корхонанинг нормал шартномавий дебиторлик қарзлари кўпайиши мумкин. Дебиторлик қарзининг муддати (яъни айланишда бўлиш вақти) ўзгармай қолган қолда, унинг миқдорининг кўпайиши капитал қўйилмалар рентабеллиги ўсганини кўрсатади. Аксинча, қарзни қайтариш

муддатининг узайиши корхонага зарар келтиради. Нормал иқтисодий шароитларда муддатли, яъни икки томонлама шартномаларда белгиланган даврлардаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, корхона молиявий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган зарур ҳодисадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ

хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармонида маҳсулот жўнатиш ва хизматлар кўрсатиш учун олдиндан камида 15 фоизлик тўловлар амалга оширилиши ва

шартномага мувофиқ харидорнинг тўлов қобилмятидан келиб чиқиб, табақалаштирилган ҳолда 100 фоизгача тўлов ошиши белгилаб қўйилган. Лекин муддати ўтган дебиторлик қарзлари кўпайиб кетиши натижасида кредиторлик қарзлари ҳам кўпаяди. Бу эса корхонанинг ноликвидлигини, тўловга қобилиятсизлигини келтирмб чиқариб, уларни инқирозга олиб келади.

Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўлмаслигини таъминлаш учун уларнинг ҳар бир тури бўйича келиб чиқиши сабабларини аниқлаш лозим. Кўп ҳолларда муддати ўтган дебиторлик қарзлари маҳсулот етказиб бериш ва харид қилиш шартномаларининг нотўғри тузилиши, харидорлар молиявий аҳволини тўлиқ ўрганмаслик, тўловномаларни тўғри расмийлаштирмаслик, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаслик туфайли келиб чиқади.

Корхона ва ташкилотларнинг айланма маблағлари камайиб, кредиторлик қарзлари ортиб, тўловга қобилиятсиз бўлиб боришига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг турли сабаблар билан реализация қилинмасдан, омборларда узоқ вақт сақланиб қолишидир. Бундай ҳолат кўпроқхаридорда маҳсулотни сотиб олиш учун керакли пул (маблағ) бўлмаганида, у тўловга қобилиятсиз бўлганида вужудга келади. Шунини ҳам таъкидлаш лозим-ки, кўпгина корхона ва ташкилотларда товар захиралари кўпайиб бориши корхоналарда ҳозирги давр бозор муносабатларига мос маркетинг хизмати ташкил этилмаганлигидан келиб чиқади. Натижада, ишлаб чиқарилган товарлар бозордаги харидор талабига параметрлари жиҳатидан тўғри келмайди, сифати паст бўлиб қолади. Бозорни ўрганмасдан, буюртмалар портфелига эга бўлмасдан ишлаб

чиқарилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи учун ортиқча харажат бўлиб омборларда сақланиб қолаверади.

Шу ўринда хўжалик субъектларимизда ҳали ҳам шартнома маданиятига риоя қилмаслик ҳоллари кўп учрашини таъкидлаш лозим. Аввало шартнома тузаётган томонлар бир-бирининг молиявий ҳолатини етарлича таҳлил қилмайдилар. Натижада, олдиндан товар олиш учун бўнак (аванс) ўтказиб берилган бўлса-да, маҳсулот ўз вақтида истеъмолчига етказиб берилмайди. Ёки аксинча, маҳсулот етказиб берилгани учун тўловнинг қолган қисми ўз вақтида тўлаб берилмайди. Бу ўз навбатида, шартнома шартларининг бузилишига олиб келади ҳамда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини вужудга келтиради.

Ўзаро қарзларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва механизми тўғри таҳлил қилиниб аниқланса, уларни камайтириш, бартараф қилиш йўллари аниқлаш имкониятлари ҳам кенгайди. Ўзаро қарзлар муаммоси бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлганлиги учун уни камайтиришнинг барча йўллари кенг кўламда қўлланилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда вужудга келтирилган тўлов тизими такомиллашиб, нотўловлар, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарзлари турли йўллар билан камайтирилиб, пул қадрсизланиши олди олинди, молиявий барқарорликка эришиб борилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, нотўловларнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, уни қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам республикада мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлган агросаноат мажмуасини ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлашга, жаҳон бозоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоси ўзгаришига, давлат харид баҳоларини мувофиқлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, тижорат банклари томонидан ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ қурилиши, аграр соҳага хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳисоб-китобларини тезлаштириш,

кредитлаш, факторинг операцияларини амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, факторинг амалиётлари ушбу тармоқда вақтинчалик аванс тўловлари ва молиялаштиришнинг даврийлиги туфайли оралик вақтларда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Банклар томонидан амалга оширилаётган факторинг операцияларининг ҳар бир сўмидан икки-икки ярим сўм самарага эришилмоқда.

Пул маблағлари мажбуриятларни зудлик билан тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган турдаги маблағларни ўз ичига олади. Пул маблағларига молиявий муассасалардаги жорий счётадаги қолдиқлар, нақд купюралар, тангалар, валюталар, кичик кассанинг нақд пуллари ва молиявий муассасалар томонидан муддатли депозитлар ва муомаладан чиқариш учун қабул қилинган, субъектнинг кассасидаги конкрет ўтказиб бериладиган пул ҳужжатларидир (депозит счётлар ҳам пул маблағлари сифатида курилади. Оддий омонат счётлари бўйича банк муомаладан чиқариш ҳақида дастлабки хабарномани талаб қилиш ҳуқуқига эга, аммо бу ваколатни кам қўллайди. Шунинг учун омонат счётлари одатда пул маблағларига киритилади). Бу ўтказиладиган пул ҳужжатларига оддий чеклар, кассанинг ордерлари, миқдорларнинг чеклари, пул ўтказмалари ва бошқа ҳисоблашиш воситалари киради. Баланснинг «Пул маблағлари» моддасидаги қолдиқ пул маблағлари счётларига кирадиган барча турдаги маблағларни акс эттиради.

Пул эквивалентлари — бу пул маблағларига ўхшайдиган лекин бошқача туркумланидиган активлардир. Улар хазина васиқалари (хазина васиқалари — бу муомалага чиқарилган, кейин бир йилдан кам муддатда қайтариладиган ҳукуматнинг фойсиз мажбуриятларидир. Улар чегирма билан сотилади ва ўз вақтида тўланади. Тўлаш қиймати билан чиқарилиш қиймати ўртасидаги фарқ харидорнинг фойс даромади бўлади. Хазина васиқалари бир йил ичида ва ундан ортиқ муддатда тўланидиган ҳукуматнинг мажбуриятлари ҳисобланиб, агар улар жорий молиявий йил давомида тўланмаса, қисқа муддатли инвестиция сифатида

туркумланмайди), тижорат қоғозлари (қисқа муддатли васиқалар — бу корпорациялар томонидан чиқарилган ўзининг қисқа муддатли пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини молиялаштирувчи маблағлардир) ва депозит сертификатлардан (тезда талаб қилиб олиш мумкин бўлмаган депозит сертификатлари ёки банк депозитлари, муомаладан чиқариш йўли билан тўланиши ва жазо (санкция) ўтказилиши мумкин) иборат. Кечикишлар ва жарима жазо (санкция)лари пул эквивалентларининг пул маблағларига алмаштирилишига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун, эквивалентлар касса счётида ҳисобга олинади. Кўпинча пул эквивалентларини ҳисоблашиш воситаларига айлантириш эҳтиёжи йўқ (пул эквивалентлари молиявий ҳолатнинг ўзгариши ҳақидаги ҳисобот учун махсус маънога эга). Эквивалентлар одатда қисқа муддатли инвестиция счётига киритилади.

Ҳисобот даврининг охирида тўлиқ олинмаган пул ўтказмалари (чеклар) пул маблағлари счётининг қолдиқларидан айрилмайди. Баъзи компаниялар пул маблағлари счётидаги қолдиқни, чеклар тўлаш учун тақдим қилинмагунча камайтирмайдилар. «Пул маблағлари» счёти эркин фойдаланиш мумкин бўлмаган, компенсацион қолдиқ деб аталувчи, суммани ўз ичига олади. Бу қолдиқ кредит тўғрисидаги шартноманинг таъминоти сифатида субъект ўзининг счётида банк талабига биноан сақлайдиган минимал суммани кўрсатади. Ҳақиқатда бу шартнома нақд пулни чегаралайди ва компаниянинг ликвидлигини пасайтириши мумкин.

Овердрафт — бу қисқа муддатли мажбурият каби ҳисобланадиган ва актив счётлардаги мавжуд бўлган дебет қолдиқдан юқори бўлмаган суммадаги тўловни амалга оширишда вужудга келадиган кредит қолдиқдир. Овердрафт, агарда банк томонидан тўланган омонатчи счётининг овердрафтини амалга ошираётган бўлса, субъектнинг ушбу банкдаги бошқа пул маблағлари счётларида ижобий қолдиққа эга бўлган ҳолдагина дебет ва кредит қолдиқларини ўзаро қоплаш мумкин. Бу ҳолда

банк дебитор ва кредитор ролини бажаради. Аммо турли молиявий муассасаларнинг счётлари ўзаро қопланмайди.

Бозор иқтисоди шароитида пул маблағини ва унинг эквивалентларини сақлаш, кими ва сарфининг устидан қаттиқ ва тизимли назорат ўрнатиш лозим. Чунки улар тез ҳаракат қиладиган ва ўғирланиши нисбатан осон бўлган маблағлардир.

Шунинг учун уларни сақлаш, ким ва сарфланишни назорат қилишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ички назорат тизими қуйидагиларни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган сиёсат ва тадбирлардир:

- активларни ҳимоя қилиш;
- субъектнинг молиявий сиёсатига мослигини таъминлаш;
- бухгалтерия счётларида акс эттирилган кўрсаткичларнинг ишончилигини таъминлаш.

Пул маблағлари ва ликвидли активлар устидан ўрнатилган қаттиқ ички назорат тизими, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг амалга оширилган баҳоланиши молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун аниқ ва ишончли бўлиб ҳисобланади.

Пул маблағлари устидан ўрнатилган ички назорат қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

- пул маблағларини алоҳида сақлаш ва алоҳида ҳисобини юритиш;
- нақд пулга амалга оширилган барча муомалаларнинг ҳисобини юритиш;
- кассада фақат зарур бўлган нақд пулнинг қолдиғини сақлаш;
- кассадаги нақд пул қолдиғининг доимий текширув ҳисобларини амалга ошириш;
- даромад келтирмайдиган пул маблағларининг қайтарилишини таъминлаш;
- пул маблағларини жисмоний назорат қилиш (вақти вақти билан кассадаги нақд пулларни инвентаризация усули ёрдамида текшириб туриш).

Пул маблағларининг келиб тушишини назорат қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ҳамма субъектларда пул маблағларининг тушишишининг кўп манбалари ва ҳар хил назорат муомалалари мавжуд. Амалда қуйидаги муомалалар кўпроқ ишлатилади:

- пул маблағларини тўлаш, нақд пулга амалга ошириладиган муомалаларни акс эттириш ва кассадаги қолдиқларни таққослаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш. Бу тартиб ўғирликни қалбаки ҳужжатлар билан беркитиш ва ўғирлик таваккалчилигини камайтиради;

- пул маблағларининг банкдаги счётларга тушишидан бошлаб, доимий ва тўхтовсиз пул олиш учун ҳар бир алоҳида ходимга мажбуриятни белгилаш.

Бу назорат ўз навбатида қуйидагиларни талаб этади:

1. кечиктирилмаган ҳисоблашишлар, яъни ҳисоблашишларни белгиланган вақтда амалга ошириш;

2. кечиктирилмаган ёзувлар, муомала ёзувларини ўз вақтида амалга ошириш;

3. олинган барча пул маблағларини ўз вақтида депонентлаш, яъни тегишли мақсадлар ёки мажбуриятларга йўналтириш.

Бу назорат кундалик ва кассадаги нақд пулнинг кутилмаган ҳисоби, ички тафтиш ва кундалик олинган пул маблағлари, тўловлар ва қолдиқнинг кундалик ҳисоботини ўз ичига олади.

Пул маблағларининг сарфини назорат қилиш тартиби қуйидагилардир. Кўпчилик компания ва фирмалар жуда кўп ремитентларга пул тўлайдилар. Пул маблағларини назорат қилиш тизими ҳар бир компания ва фирма учун айрим ишлаб чиқарилса ҳам қуйидаги қоидалар кўп ҳолларда умумий ҳолда қўлланилади:

- пул маблағларининг харажатлари ҳақидаги ҳужжатларни юритиш бўйича чекларни ёзиш, имзолаш, уларни юбориш ва ёзувларни юритиш бўйича мажбуриятларни тақсимлаб бериш;

- хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланган харажатларни кичик суммадан ташқари (кичик кассалар), олдиндан рақамланган чеклар билан расмийлаштириш (харажат ордерлари билан);
- агар кичик кассанинг счётилари қўлланилса, улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларни назорат қилиш зарур;
- харажатни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар мавжуд бўлсагина кассанинг чиқим ордерларини ёзиш;
- пул маблағларини рўйхатга олиш ва расмийлаштириш устидан назорат қилиш, яъни кассанинг кирим ва чиқим дафтарини ўз вақтида ва тўғри юритиш.

3.3. Фермер хўжаликларида молиявий интизом ва молиявий назоратни мустаҳкамлаш

Маълумки, бугунги кунда фермер хўжаликлари аграр тармоқда етакчи мавқега эга бўлган хўжалик юритиш шаклига айланди. Шу нуқтаи назардан, фермер хўжаликларининг барқарор суръатларда ривожланиб бориши миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланувчи қишлоқ хўжалигининг кейинги тарраққиётини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Айни пайтда, Республикамиз ҳукумати томонидан бу масалага алоҳида эътибор билан қаралаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, давлат буюртмаси асосида товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ҳисобланувчи фермер хўжаликларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида республикамиз тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида қисқа муддатли кредитлар ажратилмоқда.

Давлат буюртмаси асосида пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банк бошқарувининг 2007 йил 13 март 288-В сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари

учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тўғрисида”ги Низом асосида олиб борилади. Низомга асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60% гача миқдорда ажратилади. Лекин ушбу суммадан тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини чиқариб ташланади.

Низом талабларига кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарига кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муддатларда ажратилади: ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар пахта хом-ашёсининг қийматининг 10% гача, 1 апрелга қадар 25% гача, 1 июлга қадар 50%гача ва 1 сентябрга қадар 60% гача.

Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар хом ашё қийматининг 35% гача, 1-апрелга қадар 50% гача ва 1-июнга қадар 60% гача бўлган миқдорда амалга оширилади. Ҳар ой ва чоракларда ажратилган кредит ресурслари миқдори Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таклифига, асосан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартириш мумкин.

Низом талабларига асосан кредитларни иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун, минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини харид қилиш учун, ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун, МТПлар, муқобил МТПлар ва қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд бўлган бошқа хўжалик субъектларининг хизматлари учун тўловларга, лизинг (молиявий ижарага) берилган техника воситаларининг лизинг туловларига, СФУлар(сувдан фойдаланувчилар уюшмалари) хизматлари учун тўловларга, ягона ер солиғи тўловларига (муддати ўтган ер солиғи, муддатли ер солиғи тўловлари қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланади) йўналтирилади. Шунингдек, пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган хўжаликларнинг бошқа зарурий

эҳтиёжлари, шу жумладан, суғурта мукофоти учун тўловлар амалга оширилиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштириш учун республикамизда етарли даражада шарт-шароитлар яратилган. Лекин, шу билан бирга юқорида келтирилган Низомга бир катор ўзгартиришлар киритиш фермер хўжаликлари молиявий-иқтисодий барқарорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин. Низомнинг 4-банди, 2-хатбошисига кўра фермер хўжаликларига ажратиладиган кредит миқдори аниқлаш амалдаги харид нархлари асосида амалга оширилади ва янги нархлар тасдиқланганидан сўнг кредит қайта ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур ҳисобланувчи минерал ўғит, ёқилғи ҳамда эҳтиёт қисмлари нархларини ҳамда минимал иш ҳақи миқдорининг ўсиб бориши эътиборга олинadиган бўлсак, алоҳида олинган фермер хўжалигига ажратилган кредит миқдори ишлаб чиқариш жараёнининг дастлабки босқичида харажатларнинг маълум бир қисмини қоплай олмайди.

Низомда белгиланган харажат йўналишлари бўйича кредит миқдорининг энг кўп миқдорларининг меъёрий чегаралари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий характердаги агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бундан кўриниб турибдики, Низомда турли хил табиий иқлим шароитларида фаолият юритувчи фермер хўжаликларининг молиявий ресурсларга мавжуд эҳтиёжлари етарли даражада эътиборга олинмайди. Бунинг натижасида вилоятимизда табиий унумдорлиги паст, ернинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашув суръатлари юқори бўлган туманларда фаолият юритувчи фермер хўжаликларининг, жумладан Поп ва Мингбулоқ туманлари фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган кредит миқдорлари ажратилмай қолмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ зарурий агротехник тадбирларнинг сифатига ҳамда якуний молиявий натижага салбий таъсир этади.

Фикримизча, вилоятда мавжуд фермер хўжаликларини кредитлаш жараёнида улар жойлашган ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ҳамда кишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги диспаритетни эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ. Бу фермер хўжаликлари ривожланиши учун қулайроқ молиявий шароитлар яратишга хизмат қилади.

Кишлоқ хўжалик корхоналарида дебитор-кредитор қарздорлиги юқори даражада сақланиб қолишига қуйидаги омиллар таъсир этмоқда:

1. Минерал ўғитлар қимматлашуви ;
2. Нефть маҳсулотлари қимматлашуви ;
3. Уруғлик материал қимматлашуви, сифатсиз ҳолда етказиб берилиши ва ортиқча сарфланиши;
4. Химикатлар қимматлашуви ;
5. Машина-трактор, корхоналари хизматлари қимматлашуви сифатсиз кўрсатилиши, жорий таъмирлаш ва ёқилғи харажатлариинг ширкат хўжаликлари ва фермерлар зиммасига юклаб қўйилганлиги ;
6. Иш ҳақи харажатлари ўсиб бориши ;
7. Технология жиҳатидан ноқерак ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаётган агротехник тадбирлар учун материал сарфлари (плёнка, сахар чиқиндилари компости) ;
8. Табиий офатлар ва улардан зарарнинг агросуғурта томонидан етарли қопланмаслиги;
9. Сув таъминотидаги узилишлар ва сув танқислиги туфайли қўшимча харажатлар;
10. Электр энергия қимматлашуви, электр таъминотидаги узилишлар туфайли келиб чиқаётган қўшимча харажатлар;
11. Контракция шартномалари тузиш муддатлари кечикиб кетиши;
12. Контракция шартномаларида нархлар олдиндан қатъий белгилаб қўйилмаслиги (нарх ҳосил йиғиб олиниши олдидан маълум бўлади);

13. Контракция шартномаларида мажбуриятлар пухта белгиланмаслиги оқибатида, шартнома бўйича тўлов интизомига риоя қилинмаслиги;

14. Шартнома харид баҳолари пахта бўйича ҳақиқий харажатларни қопламай келаётганлиги;

15. Етказиб берилган пахта ва ғалла бўйича ҳисоб-қитоблар бўлиб-бўлиб амалга оширилиши ва айрим ҳолларда охирига етказилмаслиги.

Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар барпо этишга имкониятлари катта. Кичик корхоналар ташкил этилиши қишлоқ хўжалигини саноатлаштиришдаги дастлабки қадам бўлиши ва меҳнат ресурсларини бу соҳага оқиб ўтишини тезлаштириши мумкин. Шунингдек, қишлоқ хўжалик техникасига ва транспорт воситаларига хизмат кўрсатувчи шахобчаларни ташкил этишни рағбатлантириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этишда куйидаги чораларни кўриш лозим:

- туманда ер ресурсларининг етарли миқдорда эканлигидан самарали фойдаланиб, қишлоқларда деҳқон хўжаликлари ташкил этиш;

- ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишда бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан кредитлар ажратиш;

- фермер хўжаликлари учун озуқа ва ем-хашак тайёрлаш учун ер майдонлари ажратиб бериш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш кичик цехларини ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу фаолият билан шуғулланувчи хўжалик субъектларига солиқ имтиёзлари белгилаш.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлардаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам мулкдорлар сафи кенгайиши ва мустақамланиши, хусусий секторнинг ривожланиши юксак иқтисодий ва ижтимоий самара бериши муқаррардир. Бунга эришилиши эса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида

хусусий секторнинг фаолияти, бир томондан, корхона мулкдорларининг иқтисодий манфаатларига хизмат қилишига зарур бўлса, иккинчи томондан, соҳа ривожланиши бутун иқтисодиётга ижобий таъсир этиши, жумладан, ижтимоий масалаларнинг ҳам ҳал этилишига кўмаклашиши лозим. Аниқроқ қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида хусусий сектор ривожланиши ишлаб чиқарувчилар манфаатларига ҳам, бутун жамият эҳтиёжларини ўзида мужассамлаштирган давлат манфаатларига ҳам хизмат қилиши, қолаверса иқтисодиётдаги бошқа субъектларнинг манфаатлари чекланиши ёки поймол этилишига олиб келмаслиги лозим.

Маълумки, иқтисодий субъектлар фаолияти жараёнида манфаатдор мувозанатини таъминлаб туришнинг, иқтисодий муносабатлар иштирокчилари манфаатларини ҳимоялашнинг энг кучли воситаларидан бири молиявий назорат бўлиб, у ташқи молиявий назорат ва ички молиявий назорат шаклида амалга оширилади.

Ташқи молиявий назоратнинг тартиб-қоидалари қонунчиликда белгиланади ҳамда у давлатнинг ва корхона билан манфаатлари боғлиқ шахсларнинг манфаатларини ҳимоялаш учун жорий этилади. Ўзбекистонда хусусий корхоналар фаолиятини ташқи молиявий назорати биринчи навбатда солиқ текширувлари кўринишида олиб борилади. Бундан ташқари очик акциядорлик жамиятлари ва бошқа баъзи субъектларнинг мажбурий тарзда аудит текширувидан ўтказилишини белгилаб қўйилган Ўзбекистон республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3655-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Фармонида биноан кичик кичик бизнес тузилмалари 4 йилда бир марта, бошқа корхоналар 2 йилда бир марта солиқ органлар томонидан текшириб борилади.

Фермер хўжаликлари ўз мазмуни ва моҳияти бўйича хусусий мулкчилик корхоналаридир. Шунинг учун уларга нисбатан ташқи молиявий назоратнинг хусусий корхоналар учун белгиланган тартиблари жорий этилди. Улар

хўжалик фаолиятининг аудитдан ўтказилиши эса, мажбурий эмас. Фермер хўжаликлари одатда ягона ер солиғи тўловчилари бўлганлиги учун, асосий фаолият бўйича бошқа турдаги корхоналардан фарқли равишда, унинг кишлоқ хўжалиги бўйича даромадлари ва харажатлари қай тарзда ва қанчалик тўла ҳисобда акс эттирилиши солиқ тўланишига таъсир этмайди. Айни пайтда, фермер хўжалигида молиявий интизомга риоя этилиши, молиявий соғлом фаолият хўжалик билан манфаатлари боғланган жисмоний ва юридик шахслар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини инкор қилиш мумкин эмас.

Шунинг учун фермер хўжалигининг иқтисодий эркинликларини чекламаган ҳолда улар устидан ташқи молиявий назорат тизимини такомиллаштириш зарур.

Масалан ҳал этиш йўлларида бири фермер хўжаликлари фаолиятини мунтазам равишда аудиторлик текширувларидан ўтказиб борилишидир. Фермерлар бундай текширувдан ўтишдан манфаатдор бўлишларини таъминловчи механизм ҳам бўлиши зарур. Масалан аудиторлик текширувидан ўтган ва ундан ижобий хулосага эга бўлган фермер хўжаликларида давлатнинг ёки тижорат банкларида мақсадли ва имтиёзли кредитларнинг гаровсиз ёки суғуртасиз берилиши, даромадлари ва харажатлари аудитор хулосаси билан тасдиқланган хўжаликларга табиий офатлардан кўрилган зарарлар бўйича суғурта қопламаларининг юқорида даражада бўлиши ва ҳ.к. Шунингдек, ҳолисона аудиторлик текширувлари фермер хўжаликларининг меҳнат жамоалари аҳиллиги ва меҳнатдаги жонбозлигига ҳам ижобий таъсирини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Фермер хўжаликларида ички молиявий назорат ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хўжалик кўламлари унча катта бўлмаганлиги учун бу ерда бундай назоратни олиб боровчи махсус тузилмага (тафтиш комиссиясига) реал эҳтиёж бўлмайди. Ички молиявий назорат қуроли бўлиб, меҳнат жамоасининг мунтазам равишда ўтказадиган йиғилишлари, меҳнат сифати ва

харажатларнинг муҳокама қилиниши, тезкор ва йиллик режалаштириш, режалардан жамоа аъзоларининг тўла хабардорлиги кабилар хизмат қилади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган аграр ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалигининг институционал таркиби жиддий равишда ўзгариш бормоқда. 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясига биноан фермер хўжаликлари етакчи мавқени эгаллайди. Бундан ташқари, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан аграр конунларга киритилган ўзгаришлар натижасида фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзларининг молиявий-иқтисодий мавқеини, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича хусусий корхоналарга тенглаштирилди. Айти пайтда, Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш доирасида ишлаб чиқариш ресурслари бозорини эркинлаштириш бўйича қатор чоратadbирлар ҳам амалга оширилди. Натижада, қишлоқ-хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш ресурслари бозорида фаолроқ иштирок этиш имкониятлари кенгайди. Жумладан, ширкат ва фермер хўжаликлари нефт маҳсулотларини, минерал ўғитларни қурилиш материалларини, эҳтиёт қисмларини ўз эҳтиёжларига мос равишда товар хом ашё биржаларида етарли миқдорларда сотиб олиши, уларнинг хўжалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда ва ресурслар таъминотини самарали бошқаришга имконият бермоқда.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш воситалари бозорида иқтисодиётнинг бошқа субъектлари билан тенг асосларда қатнашишига тўсқинлик қилувчи қатор омиллар ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барқарор ривожланишининг биринчи моддий асоси ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик техникаси ва жиҳозлари ташкил этади. Ширкат хўжаликларининг моддий-техника базаси бирмунча заиф. Янги олинаётган техника воситаларининг етарли даражада эмаслиги оқибатида қишлоқ техникасининг ўртача ёши ва эскириш даражаси ортиб бормоқда. Фермер хўжаликларининг катта қисми ўзининг техник воситаларига эга эмас. Қишлоқ хўжалик техникасининг машина трактор

паркларида жамланиши эса иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламади. Чунки, уларнинг хизматидан фойдаланиш қишлоқ хўжалик корхоналарига жуда қимматга тушмоқда.

Булар қишлоқ хўжалик техникаси бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги оқибатидир. Маълумки, бозор таклиф ва талабдан ташкил топади. Қишлоқ хўжалик техникаси бозорида таклифни шакллантирувчи корхоналар Ўзбекистонда расман акциядорлик жамиятлари шаклларида хусусийлаштирилган бўлса ҳам, улар реал равишда концернлар ёки холдинг кўринишдаги давлат тузилмаларига бўйсунди. Демак, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик техникаси монополиячи ишлаб чиқарувчилари томонидан таклиф этилмоқда ва сотувчилар ўртасида рақобат мавжуд эмас. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг кўпчилиги импорт техникасига харидор бўла олмайди. Чунки, уларнинг тўлов қобилияти яхши эмас. Бу эса ўз навбатида давлатт буюртмаси бўйича етказиб берилган маҳсулот учун тўланадиган маблағларнинг қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан сунъий равишда чеклаб қўйилаётганлигининг ҳам оқибатидир.

Ишлаб чиқариш воситалари бозорининг қишлоқ хўжалик корхоналари учун ўта даражада монополлашганлиги билан характерланади. 2004 йилда минерал ўғитларнинг ҳам товар хом ашё биржалари орқали савдолари йўлга қўйилди. Мазкур бозор фаолиятини янада кучайтириш қишлоқ хўжалик корхоналари учун ҳаётий аҳамиятга эга. Маълумки, минерал ўғитларнинг муайян турларига эҳтиёж мавсумий характердадир. Кўпчилик корхоналар, айниқса фермер хўжаликлари уларни сақлаб туриш учун жиҳозланган омборларга эга эмас. Шунинг эътиборга олиб, ҳар бир минтақада қишлоқ хўжалик корхоналарининг тармоқ таркиби ва минтақавий хусусиятларига мос равишда йилнинг ҳар бир мавсумида минерал ўғит турларининг ёки минерал ўғитлар ҳар бир турининг етарли ҳажмдаги таклифининг таъминланган ҳолда савдоларни ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Минерал ўғитларни етказиб бериш билан шуғулланиб келаётган тузилмаларни чуқурроқ тижоратлаштириш ва фаолиятининг ҳудудий

доирасини чекламаслик бу бозордаги рақобатнинг эркинлашувига хизмат қилиши мумкин.

Хулоса

Сўнгги йилларда давлатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта маҳсулотини етиштиришда фермер хўжаликларининг улуши ортиб борапти (1998 йилда 11 фоиздан 2008 йилда 99 фоизгача ортган). Ислохотлар даврида қишлоқ хўжалигининг иқтисодий тузилмасида шундай тенденция шаклландики, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликларининг деярли 90 фоизи экин ерларига эгалик қилиб, деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга, деҳқон хўжаликлари эса чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. 2004 йилда жами йирик шохли молларнинг 90,2 фоизи, сигирларнинг 92,7 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 72,1 фоизи деҳқон хўжаликлари боқувида бўлди (1991 йилда жами йирик шохли қорамолларнинг 63 фоизи, сигирларнинг 76,2 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 41,4 фоизи деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган).

Давлат буюртмаси асосида пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Марказий банк бошқарувининг 2007 йил 13 март 288-В сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тўғрисида”ги Низом асосида олиб борилади. Низомга асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредитлар давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла қийматининг 60% гача миқдорда ажратилади. Лекин ушбу суммадан тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини чиқариб ташланади.

Низом талабларига кўра, қишлоқ хўжалик корхоналарига кредитлар агротехник тадбирлар муддатидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муддатларда ажратилади: ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар пахта хом-ашёсининг қийматининг 10% гача, 1 апрелга қадар 25% гача, 1 июлга қадар 50%гача ва 1 сентябрга қадар 60% гача.

Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш ҳосил етиштирилаётган йилнинг 1 январига қадар ҳам ашё қийматининг 35% гача, 1-апрелга қадар 50% гача ва 1-июнга қадар 60% гача бўлган миқдорда амалга оширилади. Ҳар ой ва чорақларда ажратилган кредит ресурслари миқдори Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таклифига, асосан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда ўзгартириш мумкин.

Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштириш учун республикамизда етарли даражада шарт-шароитлар яратилган. Лекин, шу билан бирга юқорида келтирилган Низомга бир қатор ўзгартиришлар киритиш фермер хўжаликлари молиявий-иқтисодий барқарорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин. Низомнинг 4-банди, 2-хатбошисига кўра фермер хўжаликларига ажратиладиган кредит миқдори аниқлаш амалдаги харид нархлари асосида амалга оширилади ва янги нархлар тасдиқланганидан сўнг кредит қайта ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун зарур ҳисобланувчи минерал ўғит, ёқилғи ҳамда эҳтиёт қисмлари нархларини ҳамда минимал иш ҳақи миқдорининг ўсиб бориши эътиборга олинандиган бўлсак, алоҳида олинган фермер хўжалигига ажратилган кредит миқдори ишлаб чиқариш жараёнининг дастлабки босқичида харажатларнинг маълум бир қисмини қоплай олмайди.

Низомда белгиланган харажат йўналишлари бўйича кредит миқдорининг энг кўп миқдорларининг меъёрий чегаралари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий характердаги агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бундан кўриниб турибдики, Низомда турли хил табиий иқлим шароитларида фаолият юритувчи фермер хўжаликларининг молиявий ресурсларга мавжуд эҳтиёжлари етарли даражада эътиборга олинмайди. Бунинг натижасида вилоятимизда табиий унумдорлиги паст, ернинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашув суръатлари юқори бўлган туманларда фаолият юритувчи фермер хўжаликларининг, жумладан Поп ва Мингбулоқ

туманлари фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган кредит миқдорлари ажратилмай қолмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ зарурий агротехник тадбирларнинг сифатига ҳамда яқиний молиявий натижага салбий таъсир этади.

Фикримизча, вилоятда мавжуд фермер хўжаликларини кредитлаш жараёнида улар жойлашган ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги диспаратитетни эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ. Бу фермер хўжаликлари ривожланиши учун қулайроқ молиявий шароитлар яратишга хизмат қилади.

Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят ва туман вакилликлари фаолияти фермерлар талабига жавоб бермайди. Чунки бу вакилликларнинг асосий вазифаси моддий-техника ресурслари учун ажратилаётган фондларни тақсимлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ташкилотлар мувофиқлаштирувчи эмас, назратчи ташкилотларга айланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам кўпчилик фермерлар туман вакиллиги ярим давлат ташкилот бўлиб, давлат ва туман ҳокимияти топшириқларини бажаради, деб ҳисоблайдилар,

Шу билан биргаликда, уюшманинг туман вакилликларида ишловчи мутахассислар малакаси, билим даражаси ҳам етарли даражада эмас. Фермерлар фақат моддий-техника ресурсларига фонд олиш учун туман вакилликларига аъзо бўладилар. Амалда вакилликлар фермерларнинг муаммоларини ҳал қилиб бера олмайдилар.

Бугунги кунда фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳам етарли даражада эмас. Мелиоратив ҳолати ёмон, унумдорлиги паст ерлардаги фермер хўжаликларига ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тизимини тартибга солиш учун деярли ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаяпти. Ҳозирги кунда фермерлар сифатли маслаҳат ва ахборот олишга муҳтож. Бу тизимни эса бевосита давлат ташаббуси ва мувофиқлаштируви орқалигина амалга ошириш мумкин.

фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш жараёни доимо такомиллаштирилаб боришмоқда. Ҳозирги даврда бу борадаги энг асосий масалаларга:

- фермерларнинг билими ва тажрибасини ошириш;
- уларнинг даромадларининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик;
- уларни илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;
- маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш;
- уларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш;
- конунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик;
- ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик кабилар киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, -1992. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Солиққа оид қонун ҳужжатлари. – Тошкент: Норма, 2008. – 413 б.
3. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. –Тошкент: -Адолат. -1999. – 98-115 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. –Тошкент: -Адолат. -1999. -98-115 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. – Тошкент: 2003.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. – Тошкент: 2004.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

10. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
11. Пардаев М. Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: Зарафшон, 2001. – 241 б.
12. Ҳамдамов. Қ. С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004, - 136 б.
13. Хромов Ю.С. Ферма и агробизнес. – М.: Агропромиздат, 1992
14. Beaver W. H.: Financial Ratios as Predictors of Failure. Empirical Research in Accounting, Selected Studies, 1966. 167-179 pp. [//www.cfin.ru/ad/adclick](http://www.cfin.ru/ad/adclick)
15. Altman, E. I.: Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy. Journal of Finance, September 1968, 589-609 pp. [//www.cfin.ru/ad/adclick](http://www.cfin.ru/ad/adclick)
16. Салимов Б. Т., Ҳамдамов Қ. С., Беркинов Б. Б., Юсупов М. С., Орипов М. А., Ўроқов Н. И. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Тошкент: ТДИУ, 2004, – 192-б.
17. Раҳмонкулов Х.Р., Усмонов М.Б., Рўзиназаров Ш.Н., Холмўминов Ж.Т. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи – Т. ТДЮИ. 2000.
18. Олимжонов О., Фармонов Т., Сирожиддинов С., Қосимов., Рафиқов И. Фермерлик фаолиятини ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т., Университет. 2005.
19. Файзиева Ш. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007 йил, - №6. Б 67.
20. Хусанов О. Фермерлик ҳаракати – қишлоқ хўжалиги тараққиётининг асоси // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006 йил,- №1. – Б. 56.

21. Тошқулов А. Қишлоқ хўжалиги: молиявий муносабатларни барқарорлаштиришда кадастр солиқ омили // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2004 йил, -№3-4, -Б. 10.
22. Файзиева Ш., Очилова Н. Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашда кредитларнинг аҳамияти // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007 йил, - №7, -Б. 55-56.

Аннотация

Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида ўзини тўла намоён этмоқда. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида йирик кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури доирасида ернинг унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Уларни ҳал этишда фермер хўжаликлари молиясини ташкил эти ва уни такомиллаштириш ҳам алоҳида ўрин тутди ва бу мавзунинг долзарблигини белгилаб бермоқда.